

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИЕТИ

Адабиётшунослик кафедраси

ЭРГАШЕВА МУҲАЙЁНИНГ

**5220100 – филология таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун**

**“ОДИЛ ЁҚУБОВНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИДА ЁШЛАР
ХАРАКТЕРИ ТАЛҚИНИ МАСАЛАСИ”**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: Умурзоқ Ўлжабоев

филология фанлари номзоди, доцент

Гулистон – 2014

РЕЖА:

КИРИШ

**I БОБ. ЁШЛАР ХАРАКТЕРИНИ ЯРАТИШДА
ПСИХОЛОГИЗМНИНГ ЎРНИ (“Муқаддас” қиссаси таҳлили)**

**II БОБ. ЁШ, ШАКЛЛАНАЁТГАН ХАРАКТЕРНИ
КЎРСАТИШДА ШАРОИТ ТАСВИРИНИНГ АҲАМИЯТИ (“Эр
бошига иш тушса” романи мисолида)**

ХУЛОСА

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. XX аср ўзбек адабиёти, хусусан, насри ўзиг хос тарзда ривожланиб, шаклланиб, ўз шакли ва мазмунига эга бўлганлигидан ушбу даврни тўлақонли ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бунга бу даврда яратилган кўп сонли эпик асарлар ва улар орасида савия жиҳатидан ўзига хос баҳога эга асарлар ҳам мавжудлигини асос сифатида келтириш мумкин. Қисса ва романларнинг миллий адабиётимиз шаклланишидаги ўрнини ҳисобга олиб, уларни ҳам бадиий адабиёт намунаси ёки миллий адабиёт қадрият сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мафкуравий яккаҳокимликдан қутилган ўзбек адабиётида эркин ижод қилиш, эркин фикр асосида мавжуд жараёнга муносабат билдириш кучайиб бормоқда. Шунингдек, ўтаётган даврда мафкуравий етукликка эришиш учун ҳам ёшлар онгида миллат қаҳрамонларига эътироф ва ҳурмат туйғуларини шакллантириш бугунги кун бадиий адабиётининг муҳим вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Қиссачиликда ва романчиликда ифода этиладиган теран фикр, инсон қалби кечинмалари тасвири, руҳият таҳлилининг ўзига хослиги, кечинма ва воқелик масалаларини теран идрок этган ва бу йўлда ўз йўналишларига эга бўлган ёзувчиларимиз қаторида О.Ёқубовни ҳам санаб ўтиш жоиз. О.Ёқубов ижоди, унинг эпик асарлари 50-80 йиллар ўзбек адабиётида ўзига хос ҳодиса бўлди. Унинг, «Муқаддас» қиссаси ва «Эр бошига иш тушса» романлари ўз замони учун долзарб муаммоларни акс эттирганлиги ва ўзига хос бадиияти билан ажралиб туради.

Маълумки, ушбу маҳоратли адиб ҳақида шу кунгача кўплаб тадқиқотлар яратилган. Лекин О.Ёқубов эпик асарларида ёзувчи маҳорати айниқса, ёшлар характерини яратилиши юзасидан алоҳида, жиддий бир тадқиқот иши яратилганлиги ушбу БМИ нинг долзарб мавзуда эканлигини асослайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида Одил Ёқубов асарлари хусусида анчагина ишлар амалга оширилган. Ёзувчи асарларининг ғоявий – мазмуний жиҳатидан таҳлил этилиши, қисса, ҳикоя ва романлардаги образлар, уларнинг моҳияти танқидчилар томонидан кенг ўрганилган. Бу борада, айниқса, О.Шарафиддинов¹, У.Норматов², У.Ўлжабоев³, Ҳ.Каримов⁴ ва бошқа⁵ адабиётшунос, мунаққидларнинг хизматлари беқиёс. Мазкур олимларнинг саъй – ҳаракати билан Одил Ёқубов асарларининг ғоявий – бадиий қиммати, эстетик аҳамияти ҳамда ёзувчининг ўзбек насрида тутган ўрни ўзига хос тарзда ўз баҳосини топди. Одил Ёқубов шахси кенг китобхонлар оммасига таништирилди.

Адабиётшунослигимизни Одил Ёқубов шахси ва ижоди хусусида бир қатор ишлар яратилган. Бироқ мазкур тадқиқотларда ёзувчининг ёш, шаклланаётган инсон қиёфасини яратишдаги маҳорати масаласи, ижодкор эришган ютуқлари, адабиётга қўшган янгиликлари, асарларига танқидчиларнинг ўзига хос муносабатлари қисман бўлса-да кўриб чиқилган.

Мазкур тадқиқот Одил Ёқубов асарларининг шуҳрат топишига сабаб бўлган унинг ўзига хос услуби билан боғлиқ жиҳатлар, ёзувчининг ижодий қиёфаси, қаҳрамонлар руҳиятининг бетакрор ифодалари ёзувчининг “Муқаддас” ва “Эр бошига иш тушса...” асарлари таҳлили орқали амалга оширилиши зарурлигини кўрсатувчи омиллардандир.

¹ Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. - 438 б.
Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. - 229 б.

² Норматов У. Етуклик. –Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й, -368 б.

³ Ўлжабоев У. Мардлик ва матонат тасвири. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. - 148 б.

⁴ Каримов Ҳакимжон. Ижод ва истеъдод. /Адабий портретлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. 125-б.

⁵ Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т: Ўқитувчи, 1999, - Б.407.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу БМИнинг асосий мақсади XX аср ўзбек насрида ўз ўрнига эга ижодкор Одил Ёқубов ижодига қисман назар ташлаш ва унинг ўзига хос жиҳатлари, ёшлар обрзи талқини ва бадииятини «Муқаддас» ва «Эр бошига иш тушса» асарлари орқали кўриб чиқиш. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мўлжалланган:

- Одил Ёқубовнинг айрим асарларини таҳлил қилиш орқали қаҳрамон яратишдаги индивидуаллик масаласига аҳамият қаратиш;
- Ёшлар характери тавсифида бадииятининг ўрнини аниқлаш;
- Асар компонентларининг қўлланилиши ва ёзувчи ғоявий мақсадини тадқиқ этиш;
- Бош қаҳрамон характерлари талқинида ёзувчи маҳоратини асословчи шароит тавсифини аниқлаштириш кабилардан иборат.

Ушбу вазифалар бажарилиши жараёнида ёзувчининг ўзига хос услуби масаласи ҳам умумий ҳолатда ўрганилади.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Мазкур битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги шундаки, бу ишда О.Ёқубовнинг адабиётшунослар томонидан тўлақонли баҳоланмаган ёшлар образини яратишдаги маҳорати атрофлича таҳлилга тортилган. Асарлардаги образлар талқини ҳам ўзига хос янгилик. Чунки бу муаммо юзасидан ҳам йирик монографик шаклдаги тадқиқотларни учрамаган. БМИда асардаги психологізм масаласи ҳам асосий муаммо сифатида қўйилган ва бунда асарларнинг бадиий жиҳатини ўрганиш ҳам назарда тутилган.

БМИдан эришиладиган натижа Одил Ёқубов ижодининг ўзига хос жиҳатлари, ёшлар обрзи талқини ва бадииятини «Муқаддас» ва «Эр бошига иш тушса» асарлари мисолида тўлақонли равишда ўрганилиши ва бадиий маҳорат ифодаси талқинига эътибор қаратилганида.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур иш шу кунгача Одил Ёқубов ижодида ёзувчи маҳоратини ўрганишдаги бошқа тадқиқотлардан асарлардаги

ёшлар образлари талқини яхлит ҳолда таҳлил этилгани билан аҳамиятлидир. Чунки ушбу муаммо ҳали адабиётшуносликда тўлақонли ва яхлит ҳолда ўрганилмаган. Ушбу тадқиқотдан О.Ёқубов ижодининг мукамал шаклдаги тавсифида, шу мавзудаги илмий тадқиқот ишларида, БМИ ларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг предмети ва методологик асоси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг истиқлол мафкураси, миллий ғоя ва маданий қадриятлар ҳақидаги қарашлари тадқиқотнинг методологик асосларини ташкил қилади.

Битирув малакавий иши ўзбек ва хорижий адабиётшунослик фани эришган ютуқларга асосланади. Адабий меросимизнинг йирик тадқиқотчилари И.Султон, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов, Д.Қуронов, И.Ғофуров, У.Ўлжабоев, Ҳ.Каримов каби олимларнинг назарий қарашларига суяниб тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг тузилиши. Мазкур БМИ кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ЁШЛАР ХАРАКТЕРИНИ ЯРАТИШДА ПСИХОЛОГИЗМНИНГ ЎРНИ (“Муқаддас” қиссаси таҳлили)

XX аср ўзбек адабиёти тарихида О.Ёқубов ижодиётининг муносиб ўрни бор. У жуда моҳир ёзувчилардан бири бўлиб, дунёга келган асарларининг, хусусан, насрий асарларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

О.Ёқубов моҳир романнавис бўлиши билан бирга қиссанависликда ҳам ютуқларга эришган ёзувчилардан биридир. Ёзувчи ижодининг бошланиши «Тенгдошлар» (1951) қиссаси билан боғлиқ. Ёзувчи қисса жанрида кўплаб асарлар яратди. Чунончи, «Мақаддас» (1960), «Тилла ўзик » (1960), «Ларза », «Бир фелъетон қиссаси», (1962), «Канот жуфт булади» (1968), «Матлуба»(1970), «Излайман» (1971), «Биллур кандиллар» (1975) каби қиссаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

«Тилла узук » қиссасида бировнинг гапига ишониб, шошқалоқлик билан хулоса чиқариш оқибатида одамнинг бир умр виждон азобида қийналиб юриши муминлиги Воҳид ва Розиялар тақдири мисолида ишонарли кўрсатиб берилган. Унинг «Ларза» қиссасида 50-йилларнинг иккинчи ярмида руй берган катта ўзгаришлар жамоа хўжалиги раиси Мутал тақдири мисолида кўрсатилган.

Ёзувчининг «Канот жуфт бўлади» қиссасида эса ҳамиша долзарб масала бўлган севги, замон, ахлоқ ва оила масаласи акс этган. Асарда бу йўналиш билан боғлиқ драматик эпизодлар тасвири кўп бўлиб, улар бири иккинчиси билан тез-тез алмашиб туради. Қиссадаги Акрамжон ва Сайёраларнинг мураккаб оилавий, эр-хотинлик муносабатлари дарз кета бориши шундай драматик ҳолатларни келтириб чиқариши тасвирланган.

О.Ёқубовнинг «Излайман» қиссаси ҳам унинг ижодида ўзига хос ўрин тутди. У Япония билан бўлган уруш воқеаларига бағишланган. Асарнинг

марказида турадиган воқеалар оқидамида урта ёш йигит образи тургандек туюлади. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари бор. Воқеалар талқинида ҳикоячи қаҳрамон вазифасини ўтовчи Мансур Муродов, шунингдек, унинг дўсти Арслон тимсолида ҳақиқий инсоний сифатлар шаклланаётган ёшлар қиёфасини кўз олдимизга келтирсак, Мирхайдар тимсолида ўз тинчини, қорнини ўйлайдиган, манфаат йўлида йигитлик ғурурини ерга уришдан ҳам қайтмайдиган кимса қиёфаси жонланади. Воқеалар оқидамида бу ёшлардан кўра капитан Даврон Ғозиев ва унинг севгилиси Саломатларнинг салмоғи алоҳидадир. Улар ўртасидаги севги, бу билан боғлиқ талай мураккаб ҳолатларга қиссада анча кенг ўрин берилган. Хуллас, ўтган уруш, у қаерда кечмасин инсон бошига кўп оғир синовлар келтиргани қиссада ишонарли бир тарзда тасвирлаб берилган.

«Матлуба» қиссаси ҳам ўзининг ҳаққонийлиги билан эътиборини тортади. Асардаги Самиғжон билан Матлубанинг муносабатларида ҳам ўқувчини қизиқтирадиган, унинг диққатини ўзига тортадиган жиҳатлар анчагина. Айниқса, севги билан боғлиқ бўлган туйғулар қанчалик нозик булишини, унга эътиборсизлик, бепарволик билан ёндошиб бўлмаслигини бу ёшлар ўртасидаги муносабатлар талқини мисолида яна бир қарра англагандек буламиз.

Ёзувчи «Биллур кандиллар» қиссасида ҳам муҳим маънавий-ахлоқий масалани кутариб чиқади. Бу қиссадаги гаплар ташки томондан қаралса, олдинги асарларда ҳам бордек туюлади. Лекин бу ердаги қаҳрамонлар талқини орқали инсон маънавияти билан боғлиқ масаланинг бошқа бир ўзига хос қирраси қаламга олинганига гувоҳ буламиз. Асардаги Хикматулла ҳам, Бегимкул ҳам, Нилуфар ҳам ўз характер хусусиятларига эга бўлган қаҳрамонлардир. Уларнинг муомаласи, гап-сўзлари, ҳаракатлари биз биладиган қоидаларга унчалик тушавермайди. Муҳими, улар жонли инсонлар сифатида кўз олдимизда ўзларининг фазилат ва қусурлари билан гавдаланади. Ёзувчи шу жаҳатларни кўрсата бориб, ҳулосани эса ўқувчининг

ўзига ҳавола қилади. О.Ёқубовнинг юқорида тилга олинган асарларида муҳим маънавий - ахлоқий муаммоларни кўтариш билан бирга, маҳорат жиҳатдан ҳам асардан – асарга ўсиб борган.

«Бир фелъетон қиссаси» асарида инсондаги виждон масаласи кўйилган. Агар юқоридаги повестда Шариф билмай туриб виждонга хилоф иш тўтган булса, «Бир фелъетон қиссаси»даги Учкун оқибати ўзига яхши бўлмаслигини билган ҳолда виждонсизликка йўл кўймайди. Ўзи жабр тортган ҳолда бир инсонни ҳаётга қайтаради, яъни Салтанатни худбинлик ботқоғидан тортиб олади.

Ҳақиқатдан ҳам ушбу қиссалар мазмунан турфа бўлишига қарамай барчасида чин инсоний фазилатлар улуғланган, қадриятларга ҳурмат ғоялари, инсонга ўзгача муносабат кабилар илгари сурилган. Шунингдек, ушбу қиссаларнинг аксарида ёшлар образи алоҳида аҳамият касб этади. Улар жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида талқин этилади.

Бунга қадар, ёзувчининг ўзининг ёзишича, у анча ҳикоялар ва бир роман ҳам қоралаган экан. Лекин О.Ёқубовни ёзувчи сифатида элга танитган асар, бу – «Муқаддас» қиссасидир.

«Муқаддас» қиссаси фақат ёзувчи ижодида эмас, 60 –йиллар ўзбек адабиётида ҳам муҳим ҳодиса бўлди. Унда ҳаётда худбинлик билан софлик, виждонийлик ёнма-ён туришлиги, киши озгина ножўя ҳаракат қилса худбинлик кўчасига кириб кетиши мумкинлиги бош қаҳрамон Шариф мисолида жуда ишонарли кўрсатилган.

“Муқаддас” ёзувчининг бош эстетик, ахлоқий принципларини шакллантирувчи асар сифатида ҳам қимматли. “Муқаддас” сўзи фақат қисса қаҳрамони номи билангина боғлиқ бўлмай, ёзувчи асарда зўр эҳтиром билан илгари сурган инсондаги энг зиз, муқаддас туйғулар – виждон, бурч, диёнат, имон-эътиқод, адолат ғоясини ҳам ўзида ифодалайди”⁶. Ушбу қисса орқали

⁶ Жамоя. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1999. 410-бет.

ёзувчи, нафақат ўша даврдаги ижтимоий муаммоларни, балки маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

“Муқаддас” қиссасига жозиба бахш этган, уни ўша йиллардаги адабий ҳаётда салмоқли воқеа даражасига кўтарган, китобхонлар оммасининг меҳрини қозонишга сабаб бўлган нарсаси шуки, адиб эҳтироссиз, лоқайд баёнчиликдан воз кечиб тасвирланаётган воқеаларнинг моҳиятини тадқиқ қилиш йўлидан боради ва бунинг натижаси ўлароқ муҳим ҳаётий проблемаларни ўртага ташлайди. Улар ахлоқий-маънавий проблемалар бўлиб, ёзувчи уларни талқин қилишда “инсон ҳаёти нақадар чигал ва мураккаб эканидан, турмуш дегани бир қўли билан бошинингни силаса, бир қўли билан тарсаки тушириб турадиган нарсаси эканидан”, яъни тайёр қолип ва схемаларга сиғмаслигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам адиб тасвирлаётган воқеаларини дарров оқу қорага ажратмайди, қаҳрамонларини ижобий ва салбий деб икки гуруҳга бўлмайди”⁷. Бундан кўринадики, “Муқаддас” қиссасини таҳлил қилишда ундаги образларни ижобий ёки салбий эканлигини эмас, балки уларнинг руҳий кечинмаларини, яъни психологизмининг таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қиссанинг асосий қаҳрамонлари бўлган Муқаддас ва Шарифжонлар асарда ўзига хос ўрин тутди. Асарда Шарифжон ҳикоячи қаҳрамон – муаллифнинг машинасозлик заводида учратган илғор ишчи сифатида шакллантирилган. Унинг ўзига хос портрет чизгилари, ўзига хос жиҳатлари асар бошидаёқ келтирилади:

“Шундай кишилар ҳам бўладики, уларнинг бутун фазилатлари юзлридан кўриниб, сўзлари, қилиқларидан билиниб туради. Бир суҳбатдаёқ сизни ўзига ром қилиб қўяди. Истараси иссиқ бу йигит ҳам худди шундай самимий кишилардан эди. Йигирма-йигирма бир ёшлардаги новча бўйли, узунчоқ юзли, қора кўзларига илиқ табассум яширинган бу йигит мени ўзининг меҳнатга бўлган муҳаббати, камтарлиги ва олижаноблиги билан

⁷ О.Шарафиддинов. Биринчи мўъжиза. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. 438-бет.

биринчи учрашганимиздаёқ мафтун қилиб қўйди”⁸. Бунда таърифи келтирилган қаҳрамоннинг ижобий хислатларга эга бўлган инсон эканлигини билиш мумкин. Унинг портрет чизгилари бундан далолат беради. Шарифжон асарнинг бош қаҳрамони. Асарнинг кейинги тафсилида у ҳикоячи қаҳрамон вазифасини бажаради. Воқеаларни у ўз тилидан ҳикоя қилиб беради. Шунга кўра ҳам асардаги кечинмалар тавсифи, қаҳрамонлар руҳияти анча батафсил тасвирланган. Шарифжоннинг ҳикоясига кўра у отпусқа пайтида онасининг сўзларига кўра ўқишга кириш учун имтиҳонларда қатнашиб, ўз омадини синаб кўрмоқчи бўлади. Асосий воқеалар унинг Муқаддасни учратишидан сўнг бошланади.

Қиссада Муқаддаснинг кириб келиши унинг консультацияда қатнашаётган Шрифжоннинг ёнида кутилмаганда пайдо бўлиши билан ифодаланган:

“Мумкинми озгина сурилсангиз?” деган овозни эшитиб ҳушимга келдим. Овоз шундай майин ва ёқимли эдики, гўё юзимга тоғ шабадаси теккандек, тез бурилиб қарадим.

Ёнгинамда оқ шойи кўйлак кийган ўн етти-ўн саккиз ёшлар чамасидаги бир қиз турарди. У кечикиб келганимни домла кўриб ранжимасин деб кўрқаётган бўлса керак, катта-катта қора кўзларини домладан узмасдан, қаддини сал букиб турар, ўзи ҳам шошиб, югуриб келган бўлса керак, икки ўрим майин, кўнғир сочларининг учлари ечилиб, кўйлагининг этагини бутун қоплаб олганди”⁹. Ушбу портрет тасвиридан ҳам иккинчи асосий қаҳрамон бўлган қизнинг ижобий хусусиятлари акс эттирилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Шунингдек, қиссанинг ушбу ўринида таърифдаги гўзал қизни учратган йигитнинг руҳий ҳолати ҳам ифодланган:

⁸ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 180-б.

⁹ Ўша китоб. 182-б.

“Бундай қизни биринчи кўришим эди. Унинг чехрасида, ҳатто бутун қиёфасида ҳали гард юкмаган ёшлик ва беғубор қизлик иффати барқ уриб турардики, ўзимни йўқотиб қўйиб унга жой беришни ҳам унутибман”¹⁰.

Қаҳрамон йигитнинг психологик ҳолати асарда шу тарзда ҳикоячи қаҳрамоннинг ўз кечинмалари шаклида ифода этилади. Унинг ўзига хос руҳияти юқоридаги парчада ҳам акс этган. Яъни у қиз билан илк маротаба кўришгандаги ҳиссиётлари, содда ва покдил бир йигитнинг ўзини йўқотиш даражасидаги ахволи ёзувчи томонидан ишонарли тарзда баён қилинган.

Кейинги ҳолатлар поғонама-поғона ривожланиб боради. Йигит бу учрашувдан довдираб турганида қизнинг унга савол бериши қаҳрамоннинг ушбу ҳолатдан тезроқ чиқиб кетиб, диққатини бир оз жамлашига сабаб бўлади. Йигитнинг мураккаб психологик ҳолати асаарда қуйидагича берилган:

“Мен зўр куч билан ҳушимни тўплаб, дафтарини олдимга тортдим-да, ҳарфлар в рақамлардан тизилган узун, мураккаб формулага тикилдим.

Шу топда мен шундай бир аҳволда эдимки, бу формуланинг хатосини топиш у ёқда турсин, миямга ҳеч бир фикр келмасди, лекин... (бу ҳам бир бахтдир-да!) тўсатдан гўё миямда бир нур “ярқ” этиб, қизнинг “валентлик” билан “атом” тушунчаларини чалкаштириб юборганини сезиб қолдим”¹¹. Қаҳрамон руҳияти тасвирида муаллиф сўзларни ва жумлаларни тўғри танлай олган. Мураккаб ва қарама-қарши руҳий ҳолат юқоридаги тасвирда ўз ифодасини топа билган. Ҳам Шарифжон характеридаги ўзига хос ирода кучи ҳам унинг “ҳушини тўплаши” орқали намоён бўлган.

Ушбу тасвирдаги йигит ҳаяжони кейинчалик унинг тилидан қарама-қарши туйғулар туғёнини ўз бошидан кечираётган дамида мураккаб кечинмалари орқали акс эттирилган:

¹⁰ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 183-б.

¹¹ Ўша китоб. 183-б.

“Тўсатдан хаёлимда ғалати бир фикр чакнади: “Хужжатларимни топширавераман. Лекин... агар ўша қиз билан бирга ўқишимга кўзим етса имтиҳон топшириб ўқишга киришга ҳаракат қиламан, бўлмаса – хужжатларимни қайтиб оламан...!”

Бу фикр ўзимга шундай маъқул тушдики, бояги иккиланишларнинг ҳаммасини бир зумда ҳал қилиб, кўнглимни чарқлатиб юборди”¹².

Бош қаҳрамоннинг ушбу фикри асарнинг охиригача унга ҳамроҳ бўлади. У ана ўша орзуси, яъни Муқаддас билан бирга ўқиш орзуси учун ҳам ўқишга киришга қарор қилади ва мана шу қарорини амалга ошириш йўлида қинғирликлардан ҳам воз кеча олмайди. Асардаги ўзиг хос қатъият қиссанинг асосий қаҳрамонларини ҳаракатлантиради.

Муқаддасни иккинчи марта кўрган йигитнинг аҳволи: “Уларга қараб беш-олти қадам босганимча юрагим бирдан “шиғ” этиб, аъзойи баданим жимирлаб кетди: қизларнинг орасида Муқаддас ҳам бор эди!”.

Асардаги яна бир психологик вазият Шарифжоннинг Муқаддаснинг ўрнига имтиҳонга кириши эпизодида берилади:

“Олдин шошиб қолдим. Муқаддаснинг бу илтимоси уч-тўрт кундан бери чизиб юрган ҳамма режаларимдан ҳам аъло чиққани учун бўлса керак, ўзимни йўқотиб қўйдим. Фақат Муқаддас бошини кўтариб, аллақандай кўрқиб қараганидагина ҳушимга келдим ва “хўп” деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим”¹³. Йигит қизнинг ўзига мурожаат қилганидан кўнгли тоғдай кўтарилганидан мана шундай дадилликни ҳис қилади ва имтиҳонга биринчилардан бўлиб киради. Унинг ҳамма билган саволлари тушганидан имтиҳонни “беш”га топшириб чиққандаги ва қизнинг уни хавотир билан кутиб турганини кўргандаги ҳолати ҳам асарда ўзига хос тасвирланган.

¹² О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 187-б.

¹³ Ўша китоб. 189-б.

– Нима бўлди? – деди у кўлимдан ушлаб. Менинг “беш” деган жавобимни эшитиши билан чехрасидаги гуноҳкор ифода чуқур ички бир шодлик билан алмашди-ю, юзига гўё бир нур қуюлди.

– Вой, мен сизни йиқилиб қолмасангиз деб шундай кўрқдим, шундай кўрқдимки! – деди Муқаддас кулиб¹⁴.

Ушбу парчада Муқаддаснинг йигитни янада ҳаяжонга солган самимий ва чин дилдан қайғуриши акс эттирилган. Қизнинг юқоридаги гаплари йигитнинг қулоғида у имтиҳондан чиққунича жаранглайди, унинг “руҳини эркалайди, хаёлини кўкларга кўтаради”. Қиз ҳам имтиҳондан чиққанидан сўнг уларнинг ўзларида юз бераётган ҳис-туйғуларни англаш жараёнлари ҳам тўғри тавсифланган:

“У юзимга бир секунд тикилди, гўё мени биринчи марта кўраётгандек аллақандай синовчан назар билан тикилди, сўнгра ерга қаради. Унинг нимадандир хижолат чекиб қулоқлари бирдан ловиллаб ёнганини кўрдим-у, ўзим қизариб кетдим. Муқаддас дилимдаги ҳисларни сезган эди!...”¹⁵

Ёшлар руҳиятидаги севгининг ифодаси ва илк ҳаяжон дамлари тасвири учун муаллиф шунга мос келадиган пейзаж тасвир танлайди:

“Биласизми, илк баҳор пайтида ёмғирдан кейин осмон бошқача бир тиниқ мовийлик кашф этади. Ёмғирда чўмилган дарахтлар худди тўйга ясанган қизлардек очилиб, ҳаво хушбўй ҳидларга, кушларнинг чуғур-чуғурига тўлиб, олам яшнаб кетади”.

Муқаддас билан хайрлашиб орқамга қайтарканман, менинг кўнглим ҳам худди ёмғирдан кейинги осмондек чараклаб кетганди. Гўё ҳамма менга кулиб боқар, гўё ёлғиз мен эмас, ҳамма бахтиёр, гўё одамларнинг ҳаммаси бирдан бир-бирига меҳрибон, жуда мулойим, жуда яхши, жуда ғамхўр бўлиб қолган эдилар¹⁶. Бундан Шарифжоннинг Муқаддаснинг унга бефарқ

¹⁴ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 191-б.

¹⁵ Ўша китоб. 193-б.

¹⁶ Ўша китоб. 194-б.

эмаслигидан қувонганлиги, ушбу қизнинг унга яқинлашаётганлигидан маст бўлган кўнглидаги ҳаяжони, қувончини англаш мумкин.

Ёшлар характеридаги психологик ҳолатлар қиссада баъзан персонажлар нутқи орқли ҳам ифодаланади. Хусусан, Шарифжон ва Муқаддас топширадиган иккинчи имтиҳон куни улар учрашганларидаги диалог бундан далолат беради:

“ – Вой, мен сизни кечикиб қолримкансиз деб, жонимни ҳовучлаб турибман-а? – деб кулди. Менга унинг кулгисида ҳам аллақандай эркалик аралаш бир гинахонлик бордек туюлди.

– Мен кечикар эканманми? – дедим, - сиз билмайсиз Муқаддас, мен сизни ҳар куни...

– Юринг, - деди Муқаддас сўзимни бўлиб, гўё гапимнинг охирини эшитишдан кўрқиб, - ичкарига кирайлик...¹⁷ ”

Бундаги суҳбатдан ҳар иккала қаҳрамон қалбида кечаётган ҳаяжон уларнинг гап-сўзларида акс этганлиги кўринади.

Қиссада фақат ёшлар қалбида кечаётган севги-муҳаббат билан боғлиқ ҳиссиётлар эмас, балки ижтимоий ҳаётдаги муаммолар билан боғлиқ психологик ҳолатлар ҳам акс эттирилган. Хусусан, Шарифжоннинг иккинчи имтиҳонда ўғай отаси номининг бу сафар аралашганлиги, шу сабабли ўз ғурурини намоён қилиб, унғ отаси туфайли бериладиган “ёрдам”дан воз кечганлиги, лекин домла унинг жавобига ноҳақ “уч” баҳо қўйганидан кейинги ҳолати ҳам асарда қуйидагича тасвирланган:

- Нега энди уч бўлар экан? – деб сўраадим.
- Негаки, молига қараб пул тўлаймиз-да, яхши йигит! – деди чол бармоқлари билан столни асабий тақиллатиб. Бу сафар совуқ бир титроқ аъзойи баданимни жимирлатиб ўтди.
- Қўшимча савол беринг! – дедим, дедим-у, овозимнинг бирдан қандайдир ўзгариб бўғиқ эшитилганини пайқаб қолдим.

¹⁷ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 207-б.

- Қўшимча савол денг? Ҳм... – деди чол, - хўш... ҳмм... қани арифметик прогрессиянинг формуласини ёзиб беринг-чи!..

Қўлларим негадир титрар эди... Нега? Ахир арифметик прогрессия формуласи эсимда турибди-ку! Мен қинғир-қийшиқ рақамларни тез ёзиб кўрсатдим¹⁸...

Бундан кейинги ҳолат унинг биринчи имтиҳондаги ҳолатининг акси, шунингдек, бунда ушбу қаҳрамоннинг ориятли, ҳалол ва виждонли эканлигини ҳам кузатиш мумкин. У ўгай отасининг илтимоси билан баҳо олишни хоҳламайди. Ўз кучи билан неча баҳо олса, шунга тайёр эканлигини билдиради. Шу гапи учун ҳам қари домла унга “икки” эмас, балки “уч” баҳо кўяди. Барибир қаҳрамонга бу ёқмайди, сабабини олдинги имтиҳондаги “беш” баҳонинг олдида кейинги имтиҳондаги “уч” баҳонинг хунук кўриниши, шунингдек, Муқаддасдай қиздан йироқлашаётгандай таассуротнинг пайдо бўлиши, деб айтиш мумкин.

Қиссада учинчи имтиҳонда яна ёшларнинг севгиси билан боғлиқ характерли ҳолатлар мавжуд. Бунда йигит тилидан берилган бир гап ўзига хос: “Имтиҳон деган нарсанинг нақадар даҳшатли эканини шунинг ўзидан ҳам билса бўлади: жонимдан ортиқ кўрган қизнинг ёнидан ўтибман-у, уни кўрмабман!”. Яна бир ўринда у охирги – тўртинчи имтиҳонга биргаликда таёрланиш учун Муқаддас билан келишилган жойда уни бетоқатлик билан кутиб турган пайтида кузатилади. У жойда у ишдаги бошлиғи Сулаймон Акрамовични учратиб қолади:

“... Уни бу ерда учратишни сира кутмаганимдан бўлса керак, ўғирлик устида тутилган одамдек довдираб қолдим, ҳатто қўл бериб кўришишни ҳам эсимдан чиқариб қўйдим. Ўзим ҳам қизариб-бўзариб, терлаб кетдим шекилли, Сулаймон Акрамович қоп-қора шоп мўйлови остидан кулимсиради-да, томирлари бўртиб чиққан катта суякдор кафтини узатиб:

¹⁸ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 209-б.

- Ясан-тусанлар жойида-ю, кимни кутиб турибсан, ўғлим, - деб сўради”¹⁹.

Бу ҳолат қаҳрамон учун ҳақиқатан ҳам худди ёмон иш қилиб қўлга тушган киши ҳолатини эсга солиши, унинг яна бир хислатини, яъни бир қиз билан яхши ният билан учрашаётганини биров кўришини истамаслиги ўз қилмишларини кўз-кўз қилувчи айрим ёшлардан фарқли жиҳатларидан бирининг ифодаси, дейиш мумкин.

Қаҳрамон руҳиятидаги қарама-қарши туйғулар ифодасини Муқаддас иккаласининг паркда бўш жой излаб одамлар орасидан ўтаётган чоғларидаги ҳолатида кўриш мумкин:

“Қизил кум сепилган аллеяларнинг ўртасидан ўтарканмиз, скамейкаларда ўтирган йигитларнинг бизга тикилиб қараб қолаётганларини кўрдим, бир вақтнинг ўзида ҳам ғазабим кўзғар, ҳам нимагадир фахрланардим. Муқаддас эса уялганидан юзлари гул-гул ёниб, яна ҳам жозибали кўринар, у кўзларини ерга тикиб борган сайин жадаллаб борар ва текис ерда ҳам ҳадеб қоқилар эди”²⁰. Бунда йигитнинг шундай гўзал қиз билан бирга юрганидан ҳам фахрланиши, ҳам бошқа йигитларнинг қизга тикилиб қараётганларидан рашки туфайли ғазабланиши зид туйғуларни юзага чиқарган. Қиз эса жуда иболи ва хаёли бўлганидан кишиларнинг унга тикилиб турганларидан ҳаяжонланаётгани ва шу сабабли ҳам тез-тез қоқилаётганлигини илғаш мумкин.

Худди мана шу парк тасвири асар сўнгида бош қаҳрамоннинг руҳиятидаги изтиробни кўрсатиш учун қуйидагича тасвирланган:

“Парк аввалги латофатини йўқотган, дарахт япроқларини қуюқ чанг босиб, кулранг тусга кирган, кум сепилган йўлларда ғижимланиб ташланган қоғозлар, папирос қутилари ётар, соябоннинг ичида ҳам чирмовуқнинг

¹⁹О.Ёқубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 216-б.

²⁰ Ўша китоб. 221-б.

хазонлари уйилиб қолган эди”²¹. Қиссада бир тасвирдан икки ўринда, зидлантириб фойдаланиш қаҳрамон руҳиятини очиб беришда қўл келган, дейиш мумкин.

Иншонинг баҳосини эшитиш тасвири ҳикоячи қаҳрамон тилидан қуйидагича тасвирланган:

“Менинг фамилиям рўйхатнинг ўртасида, балки ундан ҳам олдинроқда бўлиши керак эди. Лекин бу масофа менга негадир жуда узоқ туюлди, гўё чумоли карвонидай тизилган рақамлар ва баҳоларнинг охири кўринмас эди.

- Содиқов... уч!

Мен ёмон ҳодиса рўй берганини “уч” сўзининг маъносини англашдан олдин “ялт” этиб қараган Муқаддаснинг кўзларидаги қўрқувдан билдим... Бир нафас хаёлим тўс-тўполон бўлиб кетди, кескин бурилиб аудиториядан чиқдим”²².

Қаҳрамондаги бундай тушкун ҳолат унинг эшитган баҳоси туфайли ўқишга кирмай қолишидан эмас, балки энди Муқаддас билан бирга ўқимаслигидан юзага келган ҳолат ифодаси дейиш мумкин.

Қиссада Шарифжоннинг ва Муқаддасга севги изҳори ва муҳаббатдан маст бўлган дамлари кучли драматизм билан ифодаланган:

“Бир минутга бу олам, оёқларим остидаги мен туғилиб катта бўлган бу ер, тепамдаги бу зангори осмон... ҳаммаси қа ёққадир йўқолди-ю, Муқаддас билан икковимизгина танҳо қолдик, холос...

Унинг лаблари худди баҳор қуёшини эмган лолани эслатар, лола япроқларидек майин ва илиқ эди, уларда тоғ шабадаси тегиб япроқ чечакларнинг ажиб таровати иси бор эди. Сочларидан, ажойиб қўнғир сочларидан райҳон ҳиди келарди...

...Паркдан чиқиб Муқаддас билан бирга яна институт томон борарканман, ўзимни асфальт устида эмас, гўё патгилам устида юриб

²¹ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 265-б

²² Ўша китоб. 225- 226-б.

кетаётгандек ҳис қилардим, лабларимда ҳамон лабларининг бахмал майинлигини сезардим, димоғимга ураётган райҳон ҳидидан бошим айланарди...”²³

Бу парчадаги романтик тасвир ўзига хос бадиий тасвир воситаларининг ўринли қўлланганлиги туфайли жуда муваффақиятли чиққан. Айниқса, “баҳор қуёшини эмган лола”, “лола япроқларидек майин лаблар”, “райҳон ҳидли сочлар” каби гўзал ва ўзига хос ташбеҳларнинг қўлланилиши асарнинг бадиий қийматини янада ошишига хизмат қилган. Бундай лирик лавҳалар асардаги севги изҳори билан боғлиқ сахнадаги романтик вазиятни янада бўрттирилиб кўрсатилишига асос вазифасини ўтаган.

Шарифжоннинг ўғай отаси ва онасининг қистови ҳамда Муқаддас билан бирга ўқиш орзуси туфайли ўзи ёзган иншони таниш-билишлар ёрдамида қайтадан кўчириб бериши ҳолати ҳам қарама-қарши туйғулар камровида, ўзига хос психологик вазиятда тасвирланган:

“Менинг ўрнимда ҳамма ҳам шу аҳволга тушиб қолармикин, ё мен ўзим шунчалик беқарор эканманми, билмадим, ишқилиб, ўшандан атиги бир соат олдин, мажлис вақтида қилган афсусларимни унутиб, иншони қайта кўчирар эдим. Мажлис маҳалида, у ерда жўш урган меҳнат руҳига мафтун бўлиб, Муқаддасни унутган бўлсам, энди ўша дўстларимни, ўша ажойиб руҳни унутиб, ёлғиз Муқаддасни ўйлардим...”²⁴ Бу ўринда жўшқин меҳнат жараёни ва муҳаббат сурури ўртасидаги кураш ҳолти Шарифжон кечинмалари шаклида ўз ифодасини топган. Бундай ички коллизияга асосланган конфликт шакли асарнинг муваффақиятини таъминлаган омиллардандир.

Асарда Шарифжоннинг ўз отаси ҳақидаги ҳақиқатни билиши жараёни ўзига хос тарзда акс эттирилган. Яъни, у отаси инженер бўлгани-ю, унинг

²³ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 228-б.

²⁴ Ўша китоб. 242-б.

урушга кетиб фронтда оғир жароҳати туфайли ҳалок бўлганлиги, ёлғиз ўғли - Шарифжоннинг ҳам ўқиб, шу касбнинг соҳиби бўлиши ҳақидаги сўнгги мактубни қўлига олган ҳолати учун муаллиф пейзаж тасвирдан унумли фойдаланган:

“Ташқарида ҳаво бирдан ўзгариб, шамол кўтарилган, ҳовлидаги олча ва ўриклар совуқ куз келаётганини эслатиб қаттиқ гувилар, шовуллар эди. Тиник, бугун одатдагидан бошқачароқ кўринар, муз парчаларини эслатиб совуқ чакнарни...”²⁵

Кўринадик, бу табиат лавҳаси ҳам қаҳрамон руҳиятига мослаштириб танланган. Қаҳрамон психологиясидаги зид мазмундаги жиҳатлар ўзаро шу тарзда конфликтлашганлигининг гувоҳи бўламиз.

Яна бир интерьер тасвирида қаҳрамон руҳиятидаги ўзига хос қувончни акс эттирувчи интерьерни ва инсонларнинг унга муносабатини учратамиз:

“Ўша куни қувончга қувонч улашиб кетадиган бахтли бир кун экан: яқиндагина ювилган асфальт кўчалар салқин ва ойнадек чарақлаб, сув пуркалган дарахтлар қуёш нурларига чўмилиб, гўё байрамда ясанган қизлардек очилиб, яшнаб кетганди. Гавжум кўчалардаги одамлар ҳам ҳар кунгидан яхшироқ кийинган ва нима учундир одатдагидан мулойимроқ ва ёқимлироқ кўринарди. Ҳамма бир-бирига йўл берар, бир-бирини иззат қиларди. Трамвайга чиққанимда ўзимдан ёшроқ бир қиз ўрнидан туриб менга жой берди ва “Марҳамат, ўтиринг”, деб жилмайиб қўйди, трамвайдан тушиб институтга қараб чопиб кетаётганимда, орқамдан биров “йигитча!” деб чақирди-да, чўнтагимдан авторучкам тушиб қолган экан, бояги қиздек мулойим кулимсираб қўлимга тутқазди”²⁶. Шарифжондаги ушбу руҳий ҳолат ўз севгилиси билан бирга, ёнма-ён ўқишдек бахтга муяссар бўлаётган ошиқ йигитнинг онгида кечаётган ўзгача жараён бўлиб, бу ҳам қаҳрамон

²⁵ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 244-б.

²⁶ Ўша китоб. 249-б.

психологиясидаги ўзгаришлар ифодаси учун хизмат қилган деса тўғри бўлади.

Қиссада қаҳрамон психологияси билан боғлиқ, айниқса, абитуриентлар учун таниш бўлган жараён – уларнинг ўқишга кирган-кирмаганлари аниқ бўладиган рўйхат чиққан кун ва рўйхатни ўқиш жараёни асарда ўзига хос кульминация бўла олди. “Муқаддас” қиссасида ҳам бу ҳолат Шарифжон тилидан қуйидагича тасвирланган:

“... Кўзларим узун рўйхатга қадалди. Ўз исмим ва фамилиямни қидира бошладим. Ана, топдим. Юрагим гупиллаб, рўйхатнинг бошига тикилдим. Аббосов, Акрамова, Алимов, Аҳмедова, Бобожонов... йўқ! Юрагим шув этиб, рўйхатни яна бошидан охиригача ўқиб чиқдим: Муқаддас ростдан ҳам рўйхатда йўқ эди!.. Кўзларимга ишонмасдан рўйхатни қайта бошдан ўқишга киришдим... наҳотки, қабул қилинмаган бўлса?

Унинг рўйхатга кирмай қолганига, демак институтга ҳам қабул қилинмаганига ақлим етиб турарди, лекин бунга ишонгим келмас, ишонишдан кўрқар эдим. Шунинг учун худди бошқа рўйхатларда бўлиши мумкиндек, уларни ҳам бир-бир ўқиб чиқдим, сўнгра яна биринчи рўйхатга қайтдим...”²⁷ Шарифжондаги ҳақиқий изтироб айнан ана шу ўриндан бошланади. У ўзи йўл қўйган хатонинг даҳшатли оқибатларга олиб келишини ана ўша дамларда англай бошлайди. Шунинг учун ҳам унда ўз қувончидан кўра кўрқув устунлик қилади.

Муқаддаснинг ўқишга кира олмаганлигини билган чоғидааги ҳолати ҳам қиссада маҳорат билан тасвирланган:

“... Муқаддас жавоб бермади, у фақат кўзларини ердан узиб аста юзимга қаради, унинг узун эгилган киприклари орасидан юмалаб чиққан икки томчи кўз ёшини кўрдим. Бу томчилар бир-бирини қувиб, юзидан юмалаб тушди-да, лабининг четидаги чуқурчага сингиб кетди...

²⁷ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 250-б

Сўнгра бир-бирини қувган ёш томчилари кўпайиб кетди...”²⁸

Қиссада Муқаддас психологияси билан боғлиқ жиҳатлар унинг портрет чизгилари ёрдамида акс эттирилган ўринлар анчагина. Хусусан,

“... У бошини қуйи солиб, тирноқларига тикилиб турарди. Узун-узун эгилган киприклари гўё титраётгандек пирпираб учар, ловиллаб ёнган узунчоқ юзи, бутун қиёфаси дилидаги пушаймон, уят ва ҳақорат ҳисларини худди кўзгудек акс эттириб турарди”²⁹. Бу Муқаддаснинг унга мойил бўлиб юрган ёш домла – Пўлат Азизовнинг бошқа бир чиройли аёлга хушомад қилаётганининг устидан чиқиб қолганларидаги тасвири.

Қиссада Пўлат Азизовнинг руҳиятидаги ўзгаришлар ҳам Шарифжоннинг, ҳам ўзининг характери кўрсатиб берган ўринлар мавжуд:

“Унинг кўзлари бирдан ялтиллаб кетганини кўриб қолдим. Умримда ҳеч қачон ўзимни бунчалик ожиз ва аянчли ҳис этмаган эдим. У кўз олдимда гўё ўсиб, улғайиб, олижаноб бир одамга айланиб борар, мен эсам, аксинча, аллақандай кичрайиб, ерга кириб борардим. Ҳозир бу одам мени истаганча ҳақорат қилиши мумкин эканини, мен эсам унга жавоб қайтара олмаслигимни сезардим, аъзойи баданимдан совуқ тер чиқа бошлаган эди”³⁰.

Пўлат Азизовнинг кўзидаги ёлқин Шарифжон йўл қўйган қингир ишидан бохабарлик аломати бўлиб, у шу ҳақиқатни ошкор қилиш орқали ҳам ундан “қасос олмоқчи” бўлади:

– Тўхтанг, Муқаддасхон, ҳар қалай ҳақиқатни билиб кетганингиз маъқул! – деди у паст, қандайдир бўғиқ овоз билан. Сўнгра столни тез айланиб ўтди-да, худди кулаб кетишдан кўрққандек. Қўлларини орқага чўзиб, унинг четларини ушлаб олди. Унинг ҳаракатлари кескин, ўзи ҳам титраб-қақшаб турарди. Бироқ мени унинг гапи, ҳаракатларидан ҳам кўра овозидаги чуқур титроқ сескантириб юборган эди. Бу титроқ қандайдир бир дардга, нидога, алмга тўла эди. Буни Муқаддас ҳам сездими, ё Азизовнинг

²⁸ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 251-б.

²⁹ Ўша китоб. 254-б.

³⁰ Ўша китоб. 255-б

ҳаракатларидаги кутилмаган кескинлик таъсир этдими, билмадим, ишқилиб, икки қадам босмасданоқ тўхтади, гўё чакмоқ чақишини кутган одамдек, турган жойида қотиб қолди³¹.

Қиссанинг асосий кульминацион нуқтаси маша шу ўринда деб ўйлаймиз. Яъни Муқаддаснинг Шарифжон билан боғлиқ ҳақиқатни билиш жараёни:

– Бу йигитча сизнинг ўрнингизга кирганини биласизми? – деб сўрди. – Бу йигитча ишини тўғриламаганда сиз бунақа хафа бўлиб, йиғлаб юрмасдингиз, билдингизми?..

... Афсуски, мен буни шу бугун, ҳозир билиб қолдим. Буйруқ чиққандан кейин билиб қолдим! – деди Азизов ва яна боягидек унинг овозидаги аламли титроқ этимни жунжиқтириб юборди. – Суриштириб билсам, бу йигитча иншосини тўғрилатиб олган экан³²...

Шарифжоннинг бу ўриндаги ҳолати ёзувчи томонидан Шарифжон тилидан “мен фақат бир нарсани – бошим билан қоронғи, тубсиз жарликка кулаётганимни ҳис этардим, холос” дея тасвирланган. Бундан унинг бутун орзулари чилпарчин бўлганлигини, ҳаётда қаттиқ адашганлигига иқроф бўлганлигини илғаш мумкин.

Асарнинг иккинчи қаҳрамони бўлган Муқаддаснинг руҳияти ҳам мураккаб жараёнда акс эттирилган:

“Зўр куч билан бошимни кўтардим, кўзим Муқаддаснинг жиққа ёшга тўлган катта-катта кўзларига тушди. У афтидан, хўнграб йиғлаб юбормаслик учун лабларини қаттиқ тишлаб олган, кўз ёшлари эса, худди менинг қарашимни кутиб тургандек, бир-бирини қувиб юмалаб туша бошлади.

Мен эсам унга тикилиб турардим, бутун вужудим билан изтироб чекардим, лекин уни юпатишдан, унга тасалли беришдан ожиз эдим, ажабо: мен унинг кўнглини олишга ҳаққим йўқ эди!..”

³¹ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 256-б.

³² Ўша китоб. 256-257-б.

“Мен уни тўхтатмадим, тўхтатишга журъат этмаган ҳодисанинг бутун даҳшатини тушуниб Азизовга юзландим:

– Инсофсиз!”³³

Асардаги юқоридаги каби кескин драматик вазиятлар юксак маҳорат билан тасвирланганлиги ундаги бадий ҳақиқатнинг ҳаққонийлиги билан ҳам белгиланади. Шарифжоннинг Муқаддас билан сўнгги суҳбати ва ундаги ҳолати ҳам моҳирона ифодаланган:

“Назаримда шу топда кимдир менга қон ва жон бериб турган ҳаёт манбасини шартта кесиб ташлагандек эди: хаёлимга ҳеч бир фикр келмас, гўё миям ҳам, қалбим ҳам бўм-бўш эди. Ҳатто ҳозир мен учун нақадар катта фожиа рўй бергани ҳам онгимга бориб етмаган, қаерда ва нима учун турганимни ҳам яхши билмас эдим, фақат юрагимнинг бир чети қаттиқ оғрир, худди заҳарли тикан қадалиб турганга ўхшарди”³⁴.

Бундай афсусланиш, руҳиятидаги изтироб асар қаҳрамонининг биргина нотўғри қадами – қабул қилган қароридан пушаймон эканлиги риторик сўроқ сифатида тасвирланган ўрин ҳам мавжуд:

“Бу қандоқ бўлди? Мен нималар қилиб қўйдим? Қандай қилиб ўзимга ўзим пичоқ урдим? Қандай қилиб ўз бахтимдан ўзим айрилдим?” Бундан бахтли бўлиш мақсадида қилган ишидан пушаймонлик ҳолатини англаш мумкин.

“Қиссада жуда муҳим масала ўртага ташланади, яъни ҳаётда худбинлик билан софлик, виждонийлик ёнма-ён туришлигини, киши сал ножўя ҳаракат қилса худбинлик кўчасига кириб кетиши мумкинлиги жуда ишонарли инкишоф этилган”³⁵. Бундай тасвир қаҳрамоннинг мураккаб вазиятлардаги қабул қиладиган қарори билан боғлиқ. У ушбу характернинг

³³ О.Ёқубов. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 259-б.

³⁴ Ўша китоб. 260-б

³⁵ Ҳакимжон Каримов. Ижод ва истеъдод. /Адабий портретлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. 125-б.

аслида ким эканлигидан далолат беради, яъни унинг психологиясини кўрсатади.

Юқоридаги таҳлиллardan келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

А) Қиссада қаҳромон руҳияти – психологиясини очиб беришда ҳикоячи қаҳромон нутқидан унумли фойдаланилган;

Б) Қаҳромон психологияси персонаж нутқи, композицион воситалардан пейзаж, портрет, интерьер ва бадиий детал каби унсурларни маҳорат билан, ўз ўрнида қўллаш ҳисобига ҳам атрофлича очиб берилган.

Ушбу қисса ўзбек насрининг ютуқларидан бири бўлиб қолишига ишонч билдирамиз.

II БОБ. ЁШ, ШАКЛЛАНАЁТГАН ХАРАКТЕРНИ КЎРСАТИШДА ШАРОИТ ТАСВИРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Одил Ёқубовнинг “Эр бошига иш тушса” романи автобиографик характердаги асар бўлиб, бу асарга ёзувчининг ўсмирлик чоғидаги воқеалар асос қилиб олинган.

“... Одил Ёқубов уруш даврида ўз дўстлари билан далада меҳнат қилиб юрар экан, бу воқеаларни ёшлик қалби билан нозик ҳис қилди. Оқибатда, кейинчалик унинг “Эр бошига иш тушса” романи юзага келди. Романда қаламга олинган воқеа-ҳодисалар ўз ҳаётига яқин бўлганлиги туфайли, жуда ёрқин бўёқларда, ҳаётий образларда ифодаланди. Роман қаҳрамонлари ҳаётга энди қадам қўйиб келаётган ёшлардир. Адибнинг маҳорати шундаки, уруш ортидаги ҳаётни, тўғрироғи урушнинг халқ бошига солган кулфатини ёшларнинг дунёқараши, тушунчаси орқали очиб берган. Адиб уларнинг тушунчасини қуруқ баён қилмайди, балки уларнинг ҳаёт тенденциясини қай даражада тушунишларини меҳнатлари орқали очиб беради”³⁶.

Романнинг асосий қаҳрамонлари бўлган фронт ортида тинимсиз меҳнат қилаётган, вақти келганда қаҳрамонлик кўрсатиш даражасига етган ўсмир йигит ва қизлар – ёшлар образлари талқинлари орқали ёзувчи инсон руҳиятининг мураккаб вазиятлардаги ўзига хос қиррларини ҳам очиб бермоқчи бўлган.

“Романдаги ҳар бир образ ўзининг аниқ қиёфасига эга, улар романда ўз ёши ва савияси даражасида ҳаракат қилади. Шундан уларнинг барча хатти-ҳаракатлари ва тутган ишларига ишонамиз. Албатта, бу нарса ёзувчининг маҳорати билан ўлчанади”³⁷.

Ҳақиқатдан ҳам асардаги барча образлар ўз ўрнига қараб тавсифланган. Уларнинг иштироки ҳам вазифасига қараб чегараланган. Романнинг бош

³⁶ Ҳақимжон Каримов. Ижод ва истеъдод. /Адабий портретлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. 144-б.

³⁷ Ўша китоб. 144-б.

қаҳрамонларидан бири – Машраб исмли йигит бўлиб, бу образ ўзининг ҳақиқатпарварлиги, жасурлиги, тўғрисўзлиги билан ажралиб туралди.

“Эр бошига иш тушса...” романининг асосий қаҳрамонларидан бири бўлган Машраб дўстларига қарата: “Халқимиз бошига оғир кунлар солган душманни тор-мор келтириш учун қўлимиздан келган ёрдамимизни, керак бўлса жонимизни аямайлик!” дейди. Машрабнинг бу гапи бир қарашда баландпарвоз, дабдабали руҳда айтилганга ўхшайди. Лекин унинг қандай шароитда, қай ҳолатда айтилганига эътибор қилинса, бу табиийдек туюлади. Чунки бу уруш даври воқеаларига дуч келиб, унинг машаққатларини эндигина татиб кўраётган ёш инсоннинг қалб нидоси, кураш майдонига, ҳаётнинг довонли йўлларига бошловчи юрак даъвати”³⁸... Бундан ушбу характер қалбидаги ватанпарварлик, мардлик ва шижоат каби туйғуларнинг инъикосини илғаш мумкин.

Машраб образи романга “ҳандалак ўғирлаш” воқеаси орқали кириб келади. яъни ўзи ёқтирадиган қиз – Муяссарга ҳандалак олиб бориб хурсанд қилмоқчи бўлади. Лекин виждонли ваа номусли йигитларнинг бу қилмиши яхшилик билан якунланмайди. У қўлга тушиб қолади. Кўр Шермат – ҳандалак қоровули Машрабни идоранинг темир панжарали қоронғи бир хонасига қамаб қўйишади. Лекин шу ўринда унинг бўлажак келинойиси бўлган Барнохон билан боғлиқ нохуш ҳолатдан хабардор бўлган ўсмир руҳияти билан боғлиқ ҳолат акс эттирилади:

“Машраб ҳушига келди, бор кучини тўплаб панжарани юлкиди, сўнг, бу йўғон қуйма тўсиқларга кучи етмаслигини пайқагач, ўзини бедага отди. Ажабо, ҳозиргина эшитган гаплари олдида унинг ўз алами, шармисорлиги, ҳатто “Муяссар нима деркин?” деган ташвиши арзимаган бир нарса бўлиб

³⁸ У. Ўлжабоев. Мардлик ва матонат тасвири. – Т., Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. 124-б..

қолди”³⁹. Бунда Машраб Барнохоннинг бошқа бир киши билан “таплашиб” юрганлиги ҳақида хабар топган ҳолати акс эттирилган.

“Тўсатдан унинг хаёлига акасининг бундан беш-олти ой олдин, десантга кетиш олдида ёзган хати (ўшандан бери ундан дом-дарак йўқ!) ва бу хатда Барнога аталган эҳтиросли сўзлари, ҳар бир мисрасидан ҳижрон тафти уриб турган оташ мактуби тушди.

– Ака, акажоним!.. – деди-да, азбаройи аламига чидай олмаганидан бошини беда боғлари орасига яширди. Димоғига “гуп” этиб ялпиз ва какра хиди урилди-ю, ёруғ ва ғамгин бир оқшомни эсига солди...”⁴⁰ Ўз жигари – акасига хиёнатни сезган покиза қалбнинг туғёнлари шу тарзда ифодаланган. Бедарак кетган акасининг пок муҳаббатини оёқости қилаётган бу аёлга нисбатан нафрати ошиб кетган қаҳрамон бу ҳолатдаги ўз ташвишини ҳам унутди.

Машраб руҳиятидаги акаси Ашрафжоннинг қаллиғи билан боғлиқ ўйлар асарда қаҳрамон нутқидаги риторик сўроқ гаплар шаклида ҳам келтирилган:

“Наҳот у олти ой ўтмасданоқ умидини узган бўлса? Берган аҳд-паймони эсдан чиқса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, чунки, одатда Машрабларникига бир хат келганда Барнога уч хат келар, хат келган кунлари у гуллаган бодомдай очилиб, қуралай кўзларида ёш томчилари милтиллаб, бир неча кун бошқача бўлиб юарди...”⁴¹ Оддий бир йигитнинг аёл қалбини тушунмасдан ўзига хос фикрлаш тарзи акс этган бу жумлалардан Барнонинг ким томонидандир йўлдан оғдирилаётганлиги ҳақидаги хулосага келиши, табиий ҳол бўлади. Лекин бу вазият ҳам Барнонинг бу қилмишларнинг оқланишига сабаб бўла олмайди.

³⁹ О.Ёқубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 10-б.

⁴⁰ Ўша китоб. 11-б.

⁴¹ Ўша китоб. 15-б.

Лекин эрталаб Кўр Шермат уни ҳандалак даласига олиб бориб, юлиб ташланган бир қанчасини қопга солиб кўтартириб, қишлоқдан ҳайдаб ўтаётганида Муяссар уларни кўриб қолиши Машраб руҳиятига жуда қттиқ таъсир кўрсатади.

“Машраб юраги бир ҳапқириб, кўлидаги қопи “гурс” этиб ерга тушди. У ялт этиб овоз келган томонга қаради, қаради-ю, кўзи Муяссарнинг таажжуб ва ваҳима тўла катта очилган кўзларига тушди. Қиз, чаккасида райҳон, ранги бўздай оқарган, нафис қайрилма қошлари ғалати чимирилиб, қоққан қозикдай қотиб турарди”⁴². Бу тасвир орқали Муяссарнинг руҳияти ҳам кўрсатилган.

Ўша ўринда Муяссарнинг дугонаси Гулчеҳранинг гапи Машрабнинг ахволини бадтар ёмонлаштиради.

“Тўсатдан Гулчеҳра қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Ҳа... хан... хандалакка борган экан-да бу бечора! – деди у ва кулгидан йиқилиб кетай деб, Муяссарни қучоқлаб олди.

Машрабга Гулчеҳранинг кулгиси гўё захарли қамчидай тегди. Бу қамчи унинг вужудини – юрагини парча-парча қилиб тилиб юборди!..

У боши сиртмоққа илинган асов тойдай атрофга аланглади, шафқат тилаб Муяссарга тикилди. Лекин қизнинг мулойим серкиприк кўзларида, узунчоқ буғдой ранг юзида худди изтиробга ўхшаш бир ифода қотиб қолганди”⁴³.

Бу ҳолатда Машрабнинг ўзи кўрққан ҳолати юз берди, яъни унинг бундай янчли ҳолатини Муяссар кўриб қолди. Гулчеҳранинг Машраб устидан Муяссарнинг олдида кулиши оловга ёғ сепгандай уни тушкунликка солиб қўйди.

Муяссар унинг бу қилмишидан хафа бўлиб, югуриб кетгач, бўлажак янгаси Барно келиб уни қўйиб юборилишини Кўр Шерматдан талаб қилиши,

⁴² О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 18-б.

⁴³ Ўша китоб. 19-б.

бу учун у ўртоқ Эртоевга мурожаат қилиши ҳам мумкинлигини айтганида Машрабнинг руҳиятида унга нисбатан нафрат туйғуси алангаланади ва бундай марҳаматга мухтож эмаслигини айтиб, аччиқ қилиб кетиб қолади.

Машрабнинг бувисининг болахонасида яшириниб юриши, уни ўртоғи Қўчқор топиб олиши ҳолатида берилган портрет тасвир унинг шу пайтдаги руҳий ҳолатини ифодалаган:

“Унинг афти ангорини таниб бўлмас, ҳамма ёғи тегирмончидай чанг-тўзон, саватдай тўзғиган сочларига пичан ва беда япроқлари ёпишиб қолган, умуман шунчалик ғалати бир аҳволда эдики, ҳамма бирдан “гур” этиб кулиб юборди. Кулганда ҳам ҳеч ким Машрабдан кўзини узмай, негадир бирига кўрсатишиб кулишар, Дўндик эса қулаб кетишдан кўрқиб Муяссарни кучоқлаб олганди”. Машраб ўзининг кулгига сабаб бўлганидан биринчи жаҳли чиқади, лекин ўзига яқин кўрган инсони юзидаги ифода унинг қалбидаги изтиробларни ҳайдагандай бўлади:

“Машраб Қўчқорнинг юзига бир шапати уриб, қочиш хаёлига ҳам борди-ю, Муяссарнинг кулишида, қошларининг майин чимирилишида, бошини сал нафосат ва илиқлик бор, гўё у Машрабнинг дилига озор берганини сезгану, энди буни юмшатмоқчи бўларди.

Машрабнинг кўнглидаги бутун ғурбат бирдан булутдай тўзғиди, у ерга сакраб тушди”⁴⁴.

Машраб тенги ўсмир йигитлар характериғ хос илк муҳаббат билан боғлиқ мураккаб туйғулар тасвири асарда шу тарзда акс эттирилган. Яъни ўзи ёқтирган қизнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, унга бўлган муносабатидаги деталлар йигитнинг руҳиятига кескин таъсир этиб туриши асарда батафсил ва мукаммал тасвир этилган.

⁴⁴ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 34-б.

Асардаги асосий қаҳрамонлардан бири бўлган Муяссар руҳияти билан боғлиқ ҳолатлар унинг госпиталдаги ярадорларга бозорга олиб тушган мева-чевасини тарқатиб чиққанидаги ҳиссиёти орқали акс эттирилган:

“... Муяссар шошганидан стакан ҳам эсидан чиқиб ҳовучлаб олча тарқатаркан, вужудини чулғаб олган иссиқ бир меҳрдан энтикиб дерди:

– Йўк, йўк, пул керак эмас, ўзимизнинг олча, ахир!..

Киши фақат яхшилик қилгандагина ҳис этадиган ажиб бир туйғу уни ўз қанотларида осмонга олиб чиқиб кетган, шу топда у заҳил юзли бу солдатларнинг кулимсираб айтган битта раҳмати учун икки яшик эмас, ўн яшик олчаси бўлса ҳам аямас эди”.

Бунда беғубор қалб эгси бўлган ёш қизнинг эзгу ҳислар тааъсирида яхши инсон сифатида ўзига хос тарзда шаклланаётганлигини илғаш мумкин.

Романда урушдаги даҳшатли қамаллардан бири бўлган Ленинград камалидан чиққан, Ўзбекистонга эвакуация қилинган руслардан бири бўлган Лариса исмли қизнинг ҳам ўзига руҳияти акс эттирилган. Уни боққа олиб чиққан ёшлар Ларисанинг ғалати хатти-ҳаракатидан ҳайрон қолишади. Чунки у ердаги ётган олма пўчоқлари, шафтоли ва олча данакларигача кўзлари олазарак ҳолатда териб олаётган эди:

“Аввал ҳамма ҳайрон бўлиб қолди, кейин имо-ишора билан шафтоли ва олча данакларини еб бўлмаслигини тушунишга ҳаракат қилиб кўришди, ахийри Қўчқор аччиғи чиқиб челагини ҳар тарафга сочиб юборди.

– Буни еса жинни бўлади одам, - деди у, бармоғи билан пешонасини “дук-дук” уриб. – Горко! Тушунасанми, горько!

Лариса олдин кўркиб, орқага тисарилди, сўнг лаблари титраб, кўзи жиққа ёшга тўлди-ю, ўзини бедага отиб йиғлаб юборди”⁴⁵. Кечкурун қизлар йигитлар сув қўяётган далага борганларида ўзаро суҳбат яна Ленинград камали ва ундаги инсонларнинг тортган азоблари ҳақида боради ва шунда ёш

⁴⁵ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 38-б.

йигитлар қалбида ўзгача ҳолат юзга келади. Бу Машраб нутқида шундай ифодланади:

“Дўстлар! – деди, - мен... менинг битта таклифим бор: келинлар ўша улуғ шаҳар учун, Ленинград учун курашларда ҳалок бўлган буюк одамларнинг ёруғ хотираси олдида... қасамёд қилайлик... халқимиз бошига оғир кунлар солган душманни тор-мор келтириш учун қўлимиздан келган ёрдамимизни, керак бўлса жонимизни ҳам аямайлик. Шу олтовимиз... эндиликда қўлимизни қўлга бериб, бир тан, бир жон бўлиб курашайлик!”⁴⁶ Машраб нутқида берилган ушбу жумлалар ўша ҳолатда баландпарвоз гапларни ёқтирмайдиган Қўчқорнинг ҳам қалбини ларзалантиради ваа у биринчилардан бўлиб қасамёдни қўллаб-қувватлайди. Асардаги олтовлоннинг қасамёди лавҳаси ёшлар қалбидаги курашчанлик, беғуборлик, чексиз куч-қудрат тўлқинининг намоёни сифатида маҳорат билан ўринли тсвирланганининг гувоҳи бўлиш мумкин бўлади.

Айнан маша шу ҳолат Машраб ва Муяссарнинг муҳаббатининг ифодаси вазифаси учун ҳам хизмат қилган.

“Муяссар унинг дилидаги изтиробларига эндигина тушунгандай юраги бирдан аланечук бўлиб, “қилт” этиб ютинди.

“Йўқ, ҳозир айтиб бўлмайди... биламан, ўзинг ҳам уялиб юрибсан, ҳаммасини биламан, Машраб!”⁴⁷.

Романда Қўчқорнинг оилавий ҳаёт туфайли чекадиган изтироблри, Ларисага бўлган муҳаббати ҳам ёшларга хос туйғулар ифодаси орқали акс эттирилган.

“Қўчқор у ёнидан бу ёнига ағдарилиб ухлай олмай ётарди.

Лариса... қандай мулойим экан бу... кўзлари бир қарасангиз денгиздай мовий, бир қарасангиз қоп-қор кўринган рус қизи!”

⁴⁶ Ўша китоб. 41-б.

⁴⁷ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 42-б.

Бу Қўчқорнинг Ларисага бўлган мухаббатини тушуна бошлаган чоғидаги, руҳиятида бўлаётган ўзгаришларнинг шарҳи сифатида келтирилган тасвир. Кейингиси эса унинг ўғай ота ва онасининг жанжаллари, чигал оилавий вазиятлар ифодаси учун келтирилган тасвир:

“... Бу ғиди-бидиларнинг ҳаммасига Қўчқор сабаб бўлгани учун ойиси оғиз очиб эътироз билдира олмайди. Шунинг учун бир томондан ойисига ич-ичидан ачинса, иккинчи томондан ойиси билан ўз дадаси ўртасидаги муносабатлар эсига тушиб, ғижинади, юрагига қуйилиб келган раҳм-шафқат совуқ қояга урилган тўлқинлардай зарра-зарра бўлиб парчаланиб кетади.

Қўчқор ёши улғайиб, ўз отаси тўғрисида кўпроқ эшитгани сайин, бу туйғу ўсиб боради, баъзан ҳатто бу остонадан бошини олиб шартта чиқиб кетгиси келади”⁴⁸. Қўчқор туйғулари ифодасида ёзувчи бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланади. Раҳм-шафқат туйғусининг “совуқ қояга урилган тўлқинлар”га ўхшатиш орқали қаҳрамоннинг қалбида ўзининг онасига нисбатан совуқ муносабат пайдо бўлиб бораётганлигини кўрсатади. Лекин меҳр ҳам ўрни билан акс этганлиги учун ҳам йигит қалби бу борада изтиробда эканлиги маълум бўлади.

Ушбу романда Машрабнинг болалик хотиралари орқали ёзувчининг болалиги билан боғлиқ автобиографик тасвир ҳам ўрин олган. Айнан мана шу тасвир Одил Ёқубовнинг “Музқаймоқ” ҳикоясида ҳам акс эттирилган. Яъни, масъул лавозимда ишлайдиган отанинг ўғли учун бир дона музқаймоқ олиб бера олмаганлиги изтироблари, боланинг эса унга нисбатан бўлган ота меҳрини туйиши ва бу меҳр музқаймоқдан афзал эканлиги назарда тутилмоқда.

Романдаги ушбу лавҳа қуйидагича тасвирланган:

— Юр, болам, сенга битта мороженое олиб берай! — деди тўсатдан. — Мороженоени яхши кўрасанми?

⁴⁸ О.Ёқубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. — Т., Ё.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 50-б.

Мороженоени ёмон кўрадиган бола бўладими. Аммо ўша кун отасининг “болам” дейиши Машрабга мороженоедан ҳам ёқимлироқ туюлди”⁴⁹.

Романда Аъзам ака – Машрабнинг отасининг бирдан мазаси бўлмай қолади ва ўлими олдидан ўғли билан видолашаётганда:

– Шундай қилиб... битта мороженое ҳам олиб беролмадим-а, ўғлим, – деди.

Машраб бирдан ўпкаси тўлиб, унга томон интилмоқчи бўлди, бироқ каравотнинг ёнида ўтирган Расулжон унинг кўлидан етаклаб, олиб чиқиб кетди⁵⁰. Бу ҳолатда бола – Машрабнинг қалбидаги кечинмалар ҳаётийлиги нуқтаи назаридан асосли тасвирланган.

Қисқа лавҳада бўлса-да, романда ушбу тасвирнинг берилиши унинг автобиографик асослардан ташкил топганлигини далолатлайди.

Машраб ва ўртоқлари Эртөөв томонидан жазолангандан, яъни даштга жўнатиб юборилиши олдидан Машрабнинг онаси – Гулсум опанинг уни ҳақиқатгўйликка, мардонаворликка, одиликка чорлаб айтган сўзларидан ўғилнинг таъсирланиш ҳолати қуйидагича тасвирланган:

“Ўйқ, Гулсум опа буни насиҳатомуз эмас, қаандайдир қойиб гапирди, лекин Машрабнинг юраги офтобга интилган ёш ниҳолдай бу шиддатли сўзларга қараб толпинар, эшитган сайин эшитгиси келаарди. Назарида, бу гаплар такрорланган сайин, юрагига ёруғ бир нур қуюлмоқда эди.

Машраб, шу сўзлар қулоғида, худди гўдаклик пайтидагидай боши ойисининг тиззасида, уйқуга кетди...”⁵¹

Бунда ҳам юқорида айтилганидек, покиза қалбнинг она меҳри ва тўғри сўзларидан таъсирланиб руҳан таскин топиши ва кўнгил хотиржамлигига эришиб ёруғ келажак сари интилиши деса бўлади.

⁴⁹ О.Ёқубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 62-б.

⁵⁰ Ўша китоб. 64-б.

⁵¹ Ўша китоб. 65-б.

Машрабларнинг даштга кўникиши осон бўлди. Чунки у ерда ҳам ўзлари қатори қанча ёш-яланглар, аёллар ва чоллар ишлашаётган эди. Айниқса, у ерда Машрабнинг меҳрибон опаси Мастура ҳам ишлаётгани унинг руҳиятини янада кўтариб юборади. Машраб Муяссарнинг ҳам опаси каби меҳрибон, жафокаш ва заҳматкаш бўлишини орзу қилади. Машраб руҳиятидаги курашчанлик кайфияти унинг кунлик оғир меҳнат жараёнидан чарчаб уйқуга кетиш олдидан айтган сўзлари орқали акс эттирилган:

“Даштдан қўрқитмоқчи эдилар. Ўйлайдиларки бардоши етмай, дод деб юборади деб. Йўқ, кечирадилар, ўртоқ Эртоев, чидаймиз. Фронт учун чидаймиз, ака. Ҳа!”⁵²

Лекин кейинроқ даштга меҳнаткашлар олдига келган Эртоевнинг Акмал каби оилавий шароити оғир йигитга моддий ёрдам ҳақида гапириши, меҳрибонлик қилишига қараб, Машрабнинг кўнглида яна ўзгача ҳислар пайдо бўлади. Яъни у ҳақидаги зид фикрларга қарама-қарши туйғулар намоён бўлади:

“Ажабо, бу одам... нега тўсатдан бунчалик ўзгариб қолдйкин. Ё қишлоқда бир гап ўтдимикин? Ёки бўлмаса... у аслида ёмон одам эмасу, Машраб уни илгаридан хушламагани учун ёмон одам, деб юрганмикин?”⁵³

Машрабнинг даштда уларни кўргани келган қизлар олдида шеър ўқиши эпизодиди ҳам турфа ҳиссиётлари намоёнлини кўриш мумкин. У Уйғуннинг уруш ҳақидаги шеърларини ўқиётганида бевафолик ҳақидаги жумлалар Барнонинг кўнглига ғулғула солиб, дилини ғашлантирган бўлса, Машрабнинг ўз кўнглида Муяссарга нисбатан туйғуларининг кучли эканлигига ишончини оширди:

“У шеърни ўқиб бўлиши билан Муяссарга қараб отилмоқчи эди, бироқ аллақандай ҳазин ўйчанликка чўмиб, қилт-қилт ютиниб қолган ўроқчи қизлар даврсиди хиёл тутилиб қолди”⁵⁴.

⁵² О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 89-б.

⁵³ Ўша китоб. 108-б.

Машрабнинг Барно билан суҳбати ушбу қиз каби ёшларнинг кўнглидаги ҳиссиётларини акс эттирган:

- Мен фронтни эсимдан чиқариб қўйганимни қаёқдан биласиз? Ўша одам билан... гаплашиб юрганим учунми? Балки биз беғараз, шунчаки дўстларча гаплашиб юргандирмиз?

Машраб бошини эгди.

- Мен акамни ўйладим. Акам... урушда юрган ҳар бир йигитнинг хаёли бу ёқда, ўз севгилисиди. Улар ўз ёрларининг илиқ сўзларига муҳтож...
- Мен-чи? Мен ҳам ёшман. Мен ҳам... – Барно бир-икки марта ҳиқиллади-да, овози яна кескин янгради:
- Акангиз яхши бўлса... кетимдан айғоқчи қўймасин!
- Сиз... акамни билмас экансиз! У ҳеч қачон...
- Майли. Билсам билмасам – шу! Ҳеч ким менга хўжайин бўлолмайди⁵⁵.

Барно образи асарда ўзининг чиройига ишониб, ўткинчи хою хавасларга берилиб, йўлдан адашган қизларнинг вакили сифатида тасвирланган. Унинг нутқидан унинг ўй-хаёллари, кечинмалари англашилади.

Машраб, Акмал ва Қўчқорлар халқнинг буғдойини ўғирлаб, яширинча пул ишлаётган Эшвойни қўлга тушириб келганларидаги фахр туйғуси акс эттирилган тасвири ҳам ўринли:

“Машраб, юраги гурс-гурс уриб, Қўчқор билан Акмалга юзланди. Хом семиз оғзи қулоғида, жилмайиб турар, Қўчқор эса, ранги девор, ер остидан Чавандозга тикилиб қолганди. Машраб, четдан қараганларга ғалати

⁵⁴ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 111-б.

⁵⁵ Ўша китоб. 114-б.

туюлишини сезмасдан, қаддини ғоз тутиб олдинга ўтди, қўлини чаккасига қўйиб рапорт берди»⁵⁶.

Романда Акмал ваа Гулчеҳра ўртасидаги муносабат ўзига хос трзда акс эттирилган. Чунки Гулчеҳра ҳаммага бирдай гапириб кетаверадиган, ҳаммадан ҳам совға олаверадиган қиз бўлганлигидан у Акмални ҳам Чавандознинг ўғли бўлган Ёдгорбекни ҳам бирдек умидвор қилади ва охири анча ўзига тўқ бўлган Чавандознинг ўғлини танлаб турмуш қуриб кетади. Чунки Акмал оилавий шароити оғир, ёши ўтган отаси бировнинг ўрнига урушга жўнатиб юборилган, ота ўрнига рўзгорни тебратишга мажбур, жуда қийинчилик билан кун кўраётган, онаси ва укаларини боқаётган йигит сифатида тасвирланади. Бунда қаҳрамонлар характерини очишда мавжуд шароит, яъни урушнинг таъсири яққол акс эттирилганлигини кўриш мумкин. Акмал ва Гулчеҳра ўртасидаги диалогдан ёшлар руҳиятидаги ўзига хослик сезилади:

Акмал унинг ёқимтой кулгисидан эриб кетиб боғидан қоғозга ўралган ҳадясини олди, сал дудуқланиб:

- Шу... деди. – Шу арзимас ҳадяни... атайин сизга деб олувдим...
- Ҳадя?.. вой, нима қилардингиз? – Гулчеҳра қоғозни олиб очди, чеҳраси ёришиб, кўлқопни кўлига кийиб кўрди-да, тўсатдан:
- Йиртиғу кўлқопчангиз... – деди, бир четидан жимжилоғини чиқариб.
- ... Нима қилайлик, боримиз шу... Биз баъзи бировлардай шойи рўмолчага чамамиз етмайди.
- Нима, нима, шойи рўмолча? Ҳали рашк қиламан денг? – Гулчеҳра тўсатдан овози пўлат қўнғироқчадай жаранглаб кулиб юборди. – Биров текин рўмолча беради-ю, ман олмайманми? Мана, сизнинг

⁵⁶ Ўша китоб. 122-б.

қўлингизни қайтарганим йўқ. Қўлқопчангиз учун раҳмат! Бирок
рашк қилсангиз... хафа бўламан!⁵⁷

Гулчеҳра билан боғлиқ воқеалар шу даражагача етадики, уни
йигитлар атласу кимхобга ўраб-чирмаб уйидан олиб чиқиб
кетишаётган Кўр Шермат ва Ёдгорлар қўлидан олиб қочиб,
Машрабнинг бувиси – Моҳира бувининг уйига олиб келиб қўйишади,
лекин шу туфайли Машрабларнинг бошига кўп савдолар тушади.
Уларни зўравонликда айблаб қамаб қўйишади. Қамокда ётган Машраб,
Қўчқор ва Акмалларнинг руҳиятидаги кечинмалари асарда ўзига хос
тарзда, замон ва макон билан боғлиқ ҳолда акс эттирилган. Ёзувчи бу
ҳолатни халқнинг ҳақиқий ўғлонлари душман билан олишиб ётган бир
дамда уч йигитни ноҳақ қамаб қўйиб сўроқ қилиниши ушбу давр учун
кечириб бўлмас ҳолат деб ҳисоблайди. Бундаги Акмалнинг
кечинмалари қуйидагича тсвирланган:

“Йўқ, на қамокхонасидан, на сурғунидан кўрқади Акмал!
Гулчеҳрасиз ҳаёт керак эмас унга! Гулчеҳрадан айриладиган бўлса...
отиб юборишсалар ҳам пинагини бузмайди. Ишқилиб, дўстларига
зарари тегмаса бўлди – бошқасидан кўрқмайди”⁵⁸.

Машрабнинг ўйлари тасвиридан ҳам бу ҳолатнинг замон нуқтаи
назаридан ноҳақлик эканлигини англаш мумкин:

“Унинг ўйлари шамчироқ атрофида айланган парвонадай ҳамон бир
нарсга теграсида айланади: наҳотки уларнинг хати областдан
Эртоевнинг ўзига қайтган бўлса! Қайтмаса нега кеча терговчи
ариабозлик тўғрисида пичинг қилди? Умуман... Наҳот шунча
номаъкулчилик қилган одамлар қутулиб кетса-ю, булар гуноҳкор бўлиб
чиқса? Ҳозирги замонда-я? Совет ҳокимияти даврида-я?”⁵⁹ Кейинчалик

⁵⁷ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 151-б.

⁵⁸ Ўша китоб. 175-б.

⁵⁹ Ўша китоб. 175-б

уларнинг ноҳақ қамалганликлари юзасидан қишлоқнинг барча жонкуярлари ҳаракат қилишади. Булар орасида Комил ака – урушдан ярдор бўлиб қайтган жонкуяр йигит уларнинг қамоқдан чиқишларига сабаб бўлишади. Уларнинг қайтиш жараёни асарда қуйидагича тасвирланган:

“Улар ҳовлидаги ариқда юз-қўлларини ювишди. Кейин фақат эркинлик туйғуси бера оладиган бўлакча бир қувончга, ғалаба ғурурига тўла ажойиб дамлар бошланди.

... Ажабо: улар қайси кўчадан юрмасин, кимлар билан учрашмасин – ҳамма севинар, ёмонлардан дакки емай, эсон-омон қутулиб чиққанларидан астойдил қувонарди”⁶⁰.

Ноҳақликнинг устун келмаганидан қувонаётган инсонларнинг руҳияти йигитларга куч бағишлаб, ҳар доим тўғри йўлдан кетишни ният қилишлари, бу борада иродалари букилмаганлиги, уларнинг навбатдаги синовдан ҳам эсон-омон ўтганларини далолатлайди.

Кейинроқ яна урушга йигитларни олиб кетиш учун комиссия келганлиги маълум бўлади. Кетадиганлар орасида Акмал ва Қўчқорларнинг номи борлигини эшитган Машраб ўзини қўярга жой тополмай қолади ваа комиссариатга бориб, гарчи ёши етмаса ҳам ўзини армияга олинадиганлар рўйхатига киригизишларига эришади. Бунинг учун у бу ишларга бош бўлган капитан Абубакировга мурожат қилади.

- Ўртоқ капитан! Мумкин бўлса... Битта арзим бор... шунини... шунга кулоқ солсангиз!

Йигитлар чекиниб унга йўл беришди. Абубакиров қисик кўзларини баттар қисиб, қизиқсиниб тикилди.

- Хўш, қандай арз экан, бўз бола?

- Арзим шуки... – Машраб капитаннинг кўзларидаги илиқ меҳрни кўриб енгил тортди. – Арзим шуки, мен ҳам шу йигитларга

⁶⁰ Ўша китоб. 199-б.

тенгқурман. Ёшимиз бир. Шунчаки... қишлоқ советининг китобида янглиш ёзилиб, бир ёш кичик бўлиб қолибман. Агар мумкин бўлса... мен ҳам комиссиядан ўтсам.

- ... Хўш, буларга тенгдош эканинигни қаёқдан биламиз?
- Мана, ўртоқ капитан...
- Худо урсин агар ёлғон гапирсам! – деб юборди.
- ... Молодец йигит экан бу! Бор, комиссияга кир – комиссия ҳал қилади бу ёғини!⁶¹

Шу тарзда Машраб ҳам кетадиганлар рўйхатига киритилади. Мана шу ўринда ёзувчи зидлантириш орқали икки характери, икки ёш йигитни бир-бири билан солиштириш орқали уларнинг феъл-атворини замон билан боғлиқ ҳолда кўрсатиб беради:

“Абубакиров йигитларни саф қилиб, Машрабни олдинга ўтказди, кейин қаёқдандир Ёдгорбекни етаклаб келиб ўтказди, кейин қаёқдандир Ёдгорбекни етаклаб келиб ёнма-ён қўйди-ю, қўлларини силкитиб:

- Бу икки йигитга бир қаранглар! – деди. – Мана бу хўроз йигит ўн саккизга чиқибди-ю, буниси ҳали ўн олтида эмиш!
- Ҳей, - деди Абубакиров Ёдгорбекка ер остидан тикилиб. – Хотининг борми? Хотин олсанг, беш боланинг отаси бўлардинг-ку!

Зўр қаҳқаҳа гузарни янградиб юборди. Бечора Ёдгорбек! У, гўё кимдандир нажот кутгандай кўзлари жавдираб, атрофига қарар, худди совқотгандай, ҳадеб бошини елкасига қисарди.

- Йигит деган мана бунақа бўпти! – деб Машрабни кўрсатди Абубакиров. – Туришини қара – хўроз, а, хўроз!..
- Қани, марш комиссияга! - кўзлари чакнаб буюрди у Ёдгорбекка.

⁶¹ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 200-б.

- Ёдгобек бесўнақай лапанглаб идорага қараб чопди. Машраб эса, уят, ғурур, шодлик ва яна аллақандай туйғулардан маст бўлиб ўзини қаршисидаги боғларга урди”⁶².

Кўриниб турганидек, бу ўринда икки характер, бири – отасининг соясида юрадиган эрка йигит – Ёдгорбек бўлиб, у кўрқоқ ваа бесўнақай қилиб тасвирланган. Иккинчиси бўлган Машраб ҳақидаги маълумотларга унинг ориятли эканлигини ҳам қўшсак, уни ўз замонаси, яъни уруш давридаги мард ва ғурурли йигитларнинг, давр ва Ватан учун керакли инсонларнинг типик вакили, дейиш мумкин.

Машраб характери билан боғлиқ жиҳатлар уларнинг армия сафига кетмасларидан олдин катта карвон билан уруғлик бугдой олиб келиш учун узоқ қозоқ овулларига бориб келишлари билан боғлиқ воқеаларда кўзга ташланади.

“О.Ёкубов ўз қаҳрамонларига фақатгина яхши фазилатларнинг йиғиндиси сифатида қарамайди. Машраб, Қўчқор, Акмаллар баъзан янглишадилар, гоҳида шўхлик қиладилар, айрим ходисалар ҳақида юзаки хулоса чиқарадилар. Бу роман қаҳрамонлари ёшидагилар учун тамомила табиий бир ҳолдир. Лекин муҳими шундаки, ёшлардаги бундай хусусиятлар китобхоннинг мазкур персонажларга нисбатан бўлган эътиқодини сусайтирмайди, аксинча, янада кучайтиради, қаҳрамонларнинг серкирра, романтик ҳаётига қизиқишни оширади...”⁶³

Бу ҳолат Машрабнинг қозоқ овулларида бирида Сулувсоч деган қиз билан танишиб қолиши ва унга қилган “хиралиги” орқали кўрсатилган. Қўчқор ҳам шу йўлни тутди.

“Одил Ёкубов бу романда ҳам ўз ижодининг асосий принципига содиқ қолади – схематизмдан қочиб, ҳаёт – бениҳоя мураккаб жараён эканидан

⁶² О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 200-201-б.

⁶³ У.Ўлжабоев. Мардлик ва матонат тасвири. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. 129-б.

келиб чиқади. Автор тасвирида “яхши” ва “”ёмон” деган тушунчалар хийла мураккаб, нисбий тушунчалар. Яхшилар адашиш ҳуқуқига эга... Биз Қўчқор ва Машрабнинг қозоқ овулидаги “адашиши”ни унча қораламаймиз, чунки бу адашиш уларни ҳаётнинг катта йўлидан четга буриб юбормайди”.

Бундан асар қаҳрамонлари ҳақиқий маънодаги инсонлар эканлиги, улар реал воқеликдан йироқлаштирилмаганликлари маълум бўлади.

Қор ёққач, довондан ўтиш жараёнлари ҳам асар қаҳрамонлари бўлган йигитларнинг қаҳрамонликлари эвазига муваффақиятли якун топади. Қайтганларидан сўнг Ёдгорбек ваа Гулчехраларнинг тўйига қўшиқни баралла айтиб кириб боришади ва шу ерда яна ўша рақиб гуруҳ – Эртоев, Чавандоз ва Кўр Шерматлар билан тўқнаш келишади. У ердан йигитлар аранг қочиб қутулишади.

Романдаги кейинги воқеалар Ларисанинг отасининг олдига – Россияга кетиш ниятини эшитган ёшларнинг яна ўзаро қасамёд қилиши, лекин бу сафар бир-бирларини унутмасликка даъват қилиши билан давом эттирилган:

- Келинлар, шу ерда яна аҳду паймон қилайлик – ҳеч қачон бир-биримизни унутмаслик тўғрисида! Умрбод шу дўстлигимиз эсимиздан чиқмасин!
- У баланд довондан ошган одамдай пешанасидаги терларини сидириб ташлади-да, чехраси равшан тортиб, қўлини чўзди:
- Қасамёд қилайлик шунга!

Бу сафар ёздагидай “қасамёд” сўзини ҳеч ким такрорламади, лекин беш жуфт қўллар бирлашганда худди ўшандагидай юракларнинг тепиши қўлларга ўтиб, ўша беғубор, ўша тиниқ ҳис қалбларини қайта эгаллаб олди”⁶⁴.

⁶⁴ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 251-б.

Асардаги бу ҳолат ёшлар қалбидаги эзгу ҳисларнинг келажак билан боғланиши, яхши ниятларининг амалга ошишига ишонч сифатида келтирилган дейиш мумкин.

Романда Машраб, Акмал ва Қўчқорларнинг повестка олиб урушга кетишлари маълум бўлгач, кетма-кет зиёфатларда юришлари, қишлоқнинг қариялари ҳам уларга бошқача кўз билан қараб қўлларини қовуштириб туришлари уларнинг қалбида фахр туйғуларига аралаш яна нималарнидир ҳис қилишлари акс эттирилган.

“Машраб бу ўйин-кулгига беихтиёр бериларкан, у ҳам ўзини бир неча ёш улғайгандай сезар, айти замонда, ҳамқишлоқларининг саломлашишида, гап-сўзларида бўлакча бир ҳурмат билан бирга аллақандай чуқур бир ғамгинлик борлигини ҳам пайқарди. Шундай пайтларда даврандан чиқиб кетгиси, боғларни, адирларни танҳо кезгиси келар, дам-бадам Муяссар эсига тушиб, юраги бир зириллаб кўяр, зотан кўнглида уйғонган йигитлик ғурури билан бирга ниманидир йўқотаётганини, қон-қонига сингиб кетган азиз бир нарсасидан айрилаётганини сира унутолмас эди”⁶⁵.

Романнинг шу ўрнида Машрабнинг ички коллизияга асосланган руҳияти тасвири акс эттирилган. Бу ички қарама-қаршилик қаҳрамон характерининг ҳаётӣ эканлигини кўрсатади.

Машраб ҳам ўртоқлари қатори йигитларни чақириб зиёфат беради. Меҳмонларни кузатиб қайтаётганда олдидан Қурбон ота чиқиб қолади. У билан суҳбат Машрабнинг келажакига ишончини оширади:

- Сен – маладес! – деди. – Баайни отангнинг йўлини тутибсан! Между прочим, граждaнлар уруши даврида ҳаммамиз ҳам шундай қилганмиз. Кўнгилли бўлиб Қизил армияга ёзилганмиз. Хуллас калом, маладес йигитсан. Энди... сенга айтадиган битта гап бор.

Ота оппоқ қошлари туташиб:

⁶⁵ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 269 –б.

- Менинг қизимни биласан-а? – деб сўради. – Между прочим, ёмон қиз эмас. Ақлли. Илмли. Комсорг. Ну, хусниям жойида!

Машраб ер ёрилса ерга киргудай бўлиб, питирлаб қолганини Қурбон ота сизди шекилли, бир йўталиб олди:

- Гапнинг пўсткаллеси, билиб қўй: сен қайтгунча келадиган совчиларни қуваман и қувганим-қувган. Кўнглинг тўқ бўлсин. Уқдингми, болам!

Машраб, жавоб беришга ҳам мажоли етмай, ўзини сой бўйидаги толзорга урди. Уят, миннатдорлик ва қувонч туйғуси қўшилиб, гўё зўр бир тошқинга айланди-ю, уни ўз оқимиға илаштириб кетди.

У на тиззасига келган шудгорни сизди, на дарахт шохларидан ёмғирдай тўкилган совуқ томчиларни! Қирнинг ярмига боргандагина ўпкаси томоғига тикилиб, ерга ағанай кетди⁶⁶.

Парчадан Машрабга Муяссарни беришга отаси чин дилдан рози эканлиги, у хизматдан эсон-омон қайтса, Муяссарга уйланишига тўсиқлар йўқлигини ҳис қилгани учун, ўзи ҳақида яхши гаплар эшитгани туфайли ҳам ҳаяжонланиб кетганлиги, руҳиятини илиқ туйғулар қамраб олганлиги акс эттирилган. Асар сўнгида Машраб ва Муяссарнинг хайрлашув вазияти тасвирланган:

“Олдинда турган олис йўлнинг бутун машаққатларидан, изтиробларидан оғир сафарида ҳали кўп бўрон ва довуллар кутишидан хабарлари йўқ, улар фақат вафо ва садоқат ҳақида гаплашиб, аҳд-паймон қилиб тонг оттиришди”⁶⁷. Бу уларнинг олдидаги машаққатли ва муракаб ҳаёт йўли ҳақидаги фикрлар бўлиб, уруш туфайли кўпни кўриб улгурган бу ёшлар ҳали кўп қийинчиликларни бошларидан кечиришларига ишора.

“Ёзувчи ёшлар характери яратар, уларнинг шаклланиш жараёнини кўрсатар экан, қахрамонларнинг ёшига қараб, имтиёзлар бериб ўтирмайди,

⁶⁶ О.Ёкубов. Танланган асарлар. 3 томлик. 2-том. – Т., Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 274-б.

⁶⁷ Ўша китоб. 283-284-б.

ҳаёт йўлини енгил-елпи воқеалар мисолида кўрсатмайди. Балки уларнинг маънавиятини синаш учун воситаларни ҳақиқий шароитнинг ўзидан олади. Бу воситалар уруш даврининг ўзидек кескин, аёвсиз бир руҳга эга. Лекин ёшлар бундай синовларга бардош берадилар, ҳақиқий инсонийликни синаш учун қўйилган катта талабларни аъло даражада бажарадилар”⁶⁸. Ҳақиқатдан ҳам ушбу роман қаҳрамонлари ўзлари учун алоҳида имтиёзларни кутмайдиган, ҳаёт қийинчиликларини собитқадамлилиқ билан енга оладиган, ўз кучига ишонган йигит-қизлар бўлиб, ёзувчи уларни асарда ҳетийлик жиҳатига кўра тасвирлай олган.

“Эр бошига иш тушса...” романида ёш, шаклланаётган характери кўрсатишда шароит тасвирининг аҳамияти ҳақидаги иккинчи боб юзасидан куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

А) Роман қаҳрамонлари бўлган ёшлар характери яратишда муаллиф шароит тасвирига алоҳида аҳамият берган. Уруш мавзусидаги роман бўлгани учун унда фронт орти меҳнат шароити асос қилиб олинган;

Б) Ёшлар характери яратишда уларнинг руҳиятини тасвирлаш устунлик қилади. Бу ҳолат баъзан муаллиф баъзан персонажлар монологи ёки диалог шаклида ифодаланган.

Умуман, роман уруш шароитида ёшлар характери ва уларнинг руҳий ҳолатларини маҳорат билан ифодалаган асарлар сирасига киради.

⁶⁸ У.Ўлжабоев. Мардлик ва матонат тасвири. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. 128-б.

ХУЛОСА

XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётини О.Ёқубов насрий асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ёзувчининг маҳорат билан яратган қаҳрамонлари бугунги кунда ҳам ардоқланади. «Муқаддас» қиссаси қаҳрамонлари гарчи 60-70 йилларда яшаётган инсонлар бўлса-да, уларни бугунги кунда учратгандек бўласиз.

«Ёзувчи қаҳрамонлар тақдирини, ҳаётдаги чигалликларни шунчаки ифода этиш билан чекланмайди, балки ҳаётнинг маъносини чақишга интилади ва шу йўл билан кишиларни, табиийки, биринчи галда ёшларни мазмундор ҳаёт кечиришга чорлайди»⁶⁹.

Шунга кўра ҳам ёзувчининг яратган ҳар бир қаҳрамонидан инсонлар учун нимадир ёки қайсидир маънони олишга интилади. Чунки ёзувчи бадиий асослашни ва бу борадаги руҳият тасвирини жуда ўринли қўллайди. Бу эса реал ҳаётдаги кимсаларни кўриб тургандек тасаввур қолдиради.

О.Ёқубов ҳаётнинг турли жабҳалари ҳақида ва турли тоифа кишиларни қаҳрамон қилиб ҳам қисса ва романлар яратади. Ҳар бир қаҳрамон ўз муҳити учун, ўз соҳаси, ўз яқинлари ва китобхон учун ҳақиқий қаҳрамонлигича қолади. Хусусан, «Муқаддас» қиссасидаги Шарифжон ва Муқаддас, «Эр бошига иш тушса...» романидаги Машраб, Муяссар, Акмал, Кўчқор, Лариса каби кўплаб образлари шулар жумласидандир.

«Муқаддас» қиссаси образлари ўз ўрнини топишга интилаётган ёшлар бўлиб, асар давомида улар ўз мақсадига минг хил қийинчиликлар билан интиладилар. Бу жараён реалистик услуб ўзига хосликлари орқали намоён бўлади. Яъни ёшлар, хусусан Шарифжон ўзига хос камчиликлари билан кўрсатилади. Чунки биргина хатоси туфайли ўз мақсадига эриша олмайди. Ёзувчининг кўпчилик асарлари қатори «Эр бошига иш тушса...» романи унинг болалиги ўтган муҳитга бориб тақалади, ёки умумий ҳолатда ўзбек

⁶⁹ У. Норматов. Етуклик. – Т., 1982., 201 – бет.

миллатининг уруш давридаги фикрлаш тарзини яққол далили сифатида тавсифланади. Ундаги Машраб, Акмал, Қўчқор каби ёшлар машаққатлар эвазига ўз йўлини топишга интилаётган, курашчан йигитлар бўлиб, уларнинг илгари сураётган фикрлари ҳаёт йўлини танламоқчи бўлган ёшлар учун ўрнатилган бўларли. Чунки унда ўзбек миллатининг маънавий ўзлиги бўй кўрсатган. Бу ҳам инсон иродаси, эътиқоди, меҳнатга ёндашуви, ишга ҳурмат кўрсатиш ва ҳокимзо қарашлар билан боғлиқ. Ушбу романлардан ҳам шу мўнода маънавий озуқа олиш мумкин.

О.Ёқубовнинг юқорида кўриб чиқилган асарлари ибрат бўларли ҳаёт воқеалари танланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Асарлардаги ёшлар характери тавсифлашда ёки реал ҳаётнинг воқеликни тасвир этишда ёзувчи маҳорати хусусида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- О.Ёқубов асарлар учун танланган асосий муаммони тасвирлашда ўзига хос услуб қўллайди. Ёзувчи қиссадаги муаммонинг кучайиши ёки драматизмини ошириш мақсадида Шарифжонни хатога йўл қўйиши услубини танлайди, у муаммонинг янада чигаллашишига сабаб бўлади. Ечим китобхон ҳукмига ҳавола этилиши асарнинг муваффақиятларидандир. Чунки айнан муаммоли вазиятлар ва уларнинг ўзига хос ечимлари китобхон руҳиятига ўзига хос таъсир кўрсата билади.

- О.Ёқубов асарларидаги характерлар талқинида ўзига хос йўналиш сезилади. Яъни ҳар бир характер ўз ҳаётнинг асосига эга ва реал тасвирий кўлам билан йўғрилган. Характерга мос бадиий тасвир воситалари кўплаб келтирилган ва булар ҳам насрий асарлардаги қаҳрамонларнинг ишонарли тавсифланишида кўмак вазифасини ўтаган.

- Ёзувчи ёш, шаклланаётган характерларни тавсифлашда шароит ва макон тасвирига алоҳида аҳамият қаратади, уларнинг қаҳрамон руҳий ҳолати ифодасида ўзига хос ўрин тутишларига эришади.

- Адибнинг «Эр бошига иш тушса...» романидаги характерлар ўз тиришқоқлиги, фидойилиги ва мардликлари билан ажралиб туради. Булар

ёшлар учун ўрнатилган бўла олиш қудратига эга. Уларнинг ҳар бири ҳам меҳнатда чиниққан ва бахтга эришган қаҳрамонларни ифода этади. Умуман, Одил Ёқубов асарлари ҳозирги кун ёшлари учун ҳам маънавий озуқа бериш қувватига эга.

ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., «Ўзбекистон», 2008. -176 б.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т., Ўзбекистон, 2002. - 559 б.
3. Белинский В.Г. Мақолалар. Т., Ўздавнашр. 1948. - 310 б.
4. Ёкубов О. Танланган асарлар, 3 томлик, 2-том. Т., Шарқ. 1977. – 3-285-бетлар.
5. Ёкубов О. Танланган асарлар, 4 томлик, 1-том. Т., Шарқ. 2005. – 179-270-бетлар.
6. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т., Ўқитувчи, 1986, - 407 б.
7. Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т., Ўқитувчи, 1999. – 544 бет.
8. Каримов Ҳакимжон. Ижод ва истеъдод. /Адабий портретлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. 125-б
9. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти, – Т., Янги аср авлоди, 2005, - 419 б.
10. Норматов У. Етуклик. –Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й, -368 б.
11. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси –Т., Шарқ, 2002, -254 б.
12. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т., ЎАЖБНТ, 2003. - 361 б.
13. Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. - 438 б.
14. Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. - 229 б.
15. Шукуров Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. – Т., Ўқитувчи, 1979, -230 б.
16. Ўлжабоев У. Мардлик ва матонат тасвири. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. - 148 б.

17. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т., Ўқитувчи, 1979, -367 б.
18. [www. literature.uz](http://www.literature.uz)
19. www.geogle.
20. [www. Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ЁШЛАР ХАРАКТЕРИНИ ЯРАТИШДА ПСИХОЛОГИЗМНИНГ ЎРНИ	7
II БОБ. ЁШ, ШАКЛЛАНАЁТГАН ХАРАКТЕРНИ КЎРСАТИШДА ШАРОИТ ТАСВИРИНИНГ АҲАМИЯТИ	26
ХУЛОСА.....	46
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	49